

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

М.М. МАҲМУДОВА

ОИЛА ТАРБИЯСИ  
АСОСЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

Самарқанд - 2021

**УЎК: 37.018.1(075)**

**КБК 74.90**

**M-32 М.Махмудова. Оила тарбияси асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2021. 144 бет.**

Ўқув қўлланмада оила тарбиясида долзарб муоммалар таҳлил қилинган ва уларнинг ечими кўрсатиб берилган. Ватан тушунчаси оиласдан бошланиши, мафкуравий тарбиянинг ilk тушунчалари ҳам соғлом оила муҳитида сингиши ҳақида фикрлар билдирилган. Оиланинг ижтимоий мақоми унинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланади. Энг муқаддас туйғу – бу оила, Ватан туйғулари бўлиб, бугунги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик аспектлари ҳамда ҳамда оиласдан оддий бўлиб қўринган зиддиятлар, уларни бартараф этиш усуллари ҳақида, оила фаровонлиги – Ватан фаровонлигининг асоси еканлиги каби тушунчалар батафсил ёритилган.

Ушбу ўқув қўлланма гуманитар йўналишдаги бакалавр талабаларга дарс жараёнида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда маълум бир йўналиш беради. Ўқув қўлланмадан олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари, магистрантлар ва оила йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

**УЎК: 37.018.1(075)**

**КБК 74.90**

***Масъул муҳаррир:***

**О.Мусурмонова** – педагогика фанлари доктори, профессор

***Тақризчилар:***

**К.Х.Ҳасанова** – педагогика фанлари номзоди, профессор

**А.И.Сайдов** – педагогика фанлари номзоди, доцент

**Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғига асосан чоп этишига руҳсат берилди.**

**ISBN 978-9943-11-559-0**

**© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2021**

## **КИРИШ**

Оила бекиёс миллий ва умумбашарий қадриятлардандир. Оила билан бирга оила инсоний қадриятлар тизими尼 юксак даражада шакллантирувчи институт ва маънавий-ахлоқий тарбия ўчоғи ҳамдир. Айнан оилада кўпчилик гуманитар қадриятлар тарбияланади, ўстирилади ва тарғиб қилинади.

Оила муқаддаслигини таъминлаш жамият асосларини мустаҳкамлаш билан баробардир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасида оила асосларини мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик вазифалардан ҳисобланади.

Оила миллий қадриятлар маскани ҳисобланади. Оилавий маданият, оилавий ҳаётга онгли кириб бориш, оилавий вазифаларни бажаришга тайёргарлик, ҳаётда оилани юксак қадрлаш, оилага масъулият билан қараш, халқ маънавий меросидаги оила қадриятларини ўз замони талаблари билан бирга уйғунлаштириб ривожлантириш ҳар вақт инсон ҳаётий мезонини ва жамият олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида тан олинган.

Оилага нисбатан инсоният тарихида асрлар давомида шаклланиб, эъзозланган маънавий эҳтиёжлар тизими, оилани шахс маънавийятини асрраб-авайлайдиган, унинг баркамоллиги мезонларидан бири деб тан оладиган қонун-қоидалар мажмуи сифатида англаш, оилани бутун жамият ва миллат тақдири ва тараққиётига

бевосита оидлигини чуқур идрок этиш – шахснинг маънавий етуклигини қўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланган. Чунки оилани муқаддас деб билмаган инсон – маънавий қашшоқ инсондик. Оилани муқаддас деб англаш ҳар бир жамият аъзосининг ўз виждони, ўз оиласи ва фарзандлари олдидаги бурчидир.

Жамият негизи – оилада ёшлар маънавиятини тарбиялашда асосий таянчdir. Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаш бу ёшларни келгуси оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим омилdir.

Мамлакат ахолисининг ярмидан қўпроқ қисмини ёшлар ташкил қилиши, ўсиб бораётган ёш авлодни жамиятда мустақил яшашга тайёрлаш вазифасининг долзарблиги ёшларда жамият ҳаётига ва оилавий турмушга тайёрлаш ишларни жадаллаштиришни ва янгича мазмунда қайта қуришни талаб этади. Инсонларнинг ўзаро муносабатларида кескинликларнинг ўсиб бораётганлиги, замонавий зиддиятларнинг инсон тафаккури ва онига таъсир этиш орқали унинг психологик ҳолатида салбий ва асабий оқибатларнинг вужудга келиши, ёш оилалардаги ажрим ҳолатларнинг муентазам ўсиб бораётганлиги, болалар ва ўсмирлардаги агрессия ҳолатларининг вужудга келаётганлиги каби муаммолар ёшларни оиласа тайёрлаш вазифасини тўлақонли олиб бориш талабини қун тартибига қўяди.

Глобал ўзгаришлар асосида сўнгги вақтларда ўзбек оиласида ва оила аъзолари муносабатларида маълум ўзгаришлар юз бермоқда. Мазкур таъсирнинг ўзига хос ижобий ва салбий оқибатлари мавжуд. Ижобий томони шундаки, мавжуд глобал шарт-шароитлар ва талаблар ўзбек оиласининг функционаллик жиҳатдан ўсиши ва ўз масъулиятидаги вазифаларга тайёргарлигини оширади, ўзбек оиласининг дунё ҳамжамияти билан бўлган турли алоқадорлигини, унинг жаҳон бозори ва техноген ўсишига нисбатан бўлган интеграциясини таъминлайди, шу нуқтаи назардан ўзбек оиласининг давр ва замонга ҳозиржавоблигини оширади, оиланинг ижтимоий ўрни нуқтаи назаридан маълум ижобий трансформацияга сабаб бўлади. Салбий таъсир эса глобаллашув оқибатида юзага келган оммавий маданият, турли мафкуравий таҳдидлар, диний ва бошқа турдаги экстремизм, рангли инқилобларнинг авж олиши, ксенофобия, меҳнат ресурслари миграцияси ва бошқа ўнлаб тазиикларни оилалар тинчлиги, равнақи, осудалигини бузиши, миллий оилавий менталитетнинг қўпорилишида намоён бўлади. Шу боис, бугунги кунда миллий анъаналарни оилавий турмуш борасида умумбашарий назарий билимлар билан қўшиб олиб бориш талаб этилади. Ёшларни оилавий ҳаётга психологик, руҳий, жисмоний, жинсий томондан тўлиқ тайёрлаш тақозо этилади.

## **ВАТАН ТУШУНЧАСИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ**

Оила жамият негизи, маънавият бешигидир. Тарбия асослари оилада бошланади. Мафкуравий тарбиянинг илк тушунчалари ҳам соғлом оила муҳитида, бобо ва бувилар, ота-оналарнинг анъаналари, қадриятлар орқали сингади.

Биринчи Президентимиз И.Каримов ўзининг “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида ҳам “Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр қимматини англаб етмасдан, оиласа миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқил мафкура яратса олмаймиз”, - дея таъкидлаган эдилар. Ўзбек оиласининг ўзига хос жиҳатлари жуда кўп. Улардан никоҳнинг илоҳийлиги, оиланинг муқаддаслиги, оила номусини ҳимоя қилиш, аёлларни эъзозлаш каби азалий қадриятлар наслдан-наслга ўтиб келмоқда. Айниқса, болажонлик бизда энг улуғ қадрият ҳисобланади. Ўзбек оилаларидағи серфарзандлик ҳам кўп бўғинли оилаларнинг кейинчалик бошқа-бошқа мустаҳкам оилаларга айланиб кетишига, соғлом насл-насабга, авлодлар доимийлигига олиб келади.

Лекин ҳаёт остонасида оила қуриш арафасида турган ҳар бир ёш бу қадриятимизни тўғри

билидими, уни катта авлоддан қабул қилиб олиб, авайлаб-асраб, келгуси авлодга етказа оладими? Бунинг учун аввало, оила қадриятлариға нималар киради, уни ҳар бир ёш қандай тасаввур этади, деган саволга жавоб топиш керак.

Шу мақсадда биз, Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг IV босқич талабалари билан “Оилангизда энг қадрлайдиган бойлик нима?”, “Нималарни Сиз қадрият сифатида эъзозлайсиз?” мавзусида давра суҳбати ўтказдик.

Унда фақат 7 ва 8 нафар талабагина фаол қатнашди. Мана уларнинг фикрлари: “Мен ҳар куни эрталаб туриб, юз-қўлимни ювиб, энг аввало, бобо ва бувиларимга, ота-онамга ва бошқа катта ёшдагиларга салом бериб, ҳол аҳволини сўрашни, ўзбек оиласининг муҳим миллий қадрияти деб биламан”, – дейди бир талаба.

Иккинчиси: “Эрта билан ҳовли сатхини, дарвоза, кўчани сув сепиб, супириб-сидириб, кейин тоза-озода чорпояда оила аъзолари жамулжам бўлган ҳолда нонушта қилишни, катталарнинг дуо фотиҳасидан сўнг, оила аъзоларининг ишига, ўқишига жўнашини қадрлайман. Нонушта охирида кундалик юмушлар тақсимланади. Кечки овқатдан сўнг эса, сарҳисоб қилинади”.

Мен ўзбек оилаларида кексаларга бўлган меҳр-мухаббат ва ғамхўрликни энг яхши қадрият деб ҳисоблайман. Чунки фарзандлик бурчи – ота-она дуосини олишдир.

- Оила муқаддас даргоҳ. Менинг ўзим ҳам оиласиман. Онамдан оиланинг ҳар бир аъзоси ўртасида самимий муносабатни, ширин-суханликни, саришталикни, меҳнатсеварликни, эрта тонгда уйғониб, кечқурун барча ишларни сарамжон-саришта қилиб ётишни ўрганган эдим. Бу одатни келин бўлиб тушган хонадонимда ҳам канда қилмасдим. Мана ҳозир ўғилчам бор. Қайнонам, қайнотам, кекса қайнона бувим ҳаммалари мени яхши қўришади.

- Мен оиласам билан унинг муқаддас анъаналари билан фахрланаман. Меҳмон-новозлик, кексаларга, bemorларга меҳр-муруват кўрсатиш, ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд инсонларга хайр-саҳоват улашиш биз ўзбекларнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Яна қанча-қанча биз билиб билмаган қадриятлар бор.

Суҳбатда талабаларнинг маълум қисмигина оила қадриятларини таърифладилар. Унинг баъзи қирралари ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Лекин, баъзи талабалар ҳануз ўз оиласида нима азиз-у, нима қадрли эканлигини англаб етмаганликларига ҳам амин бўлдик. Улар ҳатто, ўзбек хонадонларидаги энг оддий қадриятлар ҳақида ҳам маълум тасаввурга эга эмаслар.

Шунда биз ёшларни бой она тилимиз ва ундан оилада, ўзаро муомала маданиятида фойдаланиш ҳақида сўзладик. Ўзбек халқининг мусиқа санъати ва оилада қачонлардир бувиси ёки бобосининг чолғу асбоблари ясагани ёки

чалгани, ҳозир улардан ёдгорлик бўлиб қолган дутор, доира ёки рубоб сақланишини эслатдик. Оилада бирор хонанда ёки созанда ўтгани ва уларнинг эл-юрт олдида хизмати ҳақида оила аъзоларидан меъмор ёки рассом, хунарманд, олим, шоир, ёзувчи, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳақида фикр алмашдик. Улар бу қадриятлар ҳақида тўлқинланиб, фахрланиб юрақдан сўзладилар. Қизғин мусоҳаба мунозарага айланиб кетди. Мусоҳаба миллий ифтихор туйғуси, Ватан ва ватанпарварлик туйғулари, оила равнақи – ВАТАН равнақи эркинлигига йўналтирилди ва ниҳоят, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш буюк мақсад моҳиятини талабалар англаб олишига ҳаракат қилдик.

Зеро, ҳар бир оила ўзининг энг улуғланган қадриятлари билан Ватан равнақи учун хизмат қиласиган манба бўлса, баъзи қадриятлар барча учун бирдай қадрли саналади. Масалан, Наврўз, Мустақиллик байрамларини олайлик. Бу байрамлар янгиланиш, истиқлол байрамлари сифатида ҳар бир хонадон-у, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда, жамоаларда, бутун Республикаизда кенг нишонланмоқда. Мазкур байрамларда кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват қўрсатиш, маҳаллаларни ободонлаштириш учун ҳашарлар ўтказиш, санъат, спорт, ҳаваскорлик қўриклари, Универсиада, Олимпиадалар, шу жумладан, “Энг намунали оила”

танловларини ўтказиш тадбирлари билан узвий боғланиб келмоқда ва оммавий тус олмоқда.

Буларнинг барчаси фақат ижтимоий, сиёсий аҳамият касб этиши билан бирга, инсон руҳиятига ҳам ижобий таъсир этиб, юксак ғоялар асосида, миллий қадриятлар сифатида миллий макуруанинг шаклланишига ёрдам берадики, пировард натижада истиқлолимиз ғояларига садоқатли ёшларни оила ва оилавий ҳаётга тайёрлашда мустаҳкам замин бўла олади, десак янгишмаган бўламиз.

## **ОИЛАНИНГ ИЖТИМОЙ МАҚОМИ**

Жамият негизи – оила ёшлар маънавиятини тарбиялашда асосий таянчдир. “Миллий мағкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади”, - деб кўрсатилади. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзаро хурмат ва иззатда яشاши бу ёшларни келгуси оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим омилдир.

Шунинг учун ҳам оилада ижтимоий тарбиянинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб бормоқда. Зеро, биз оила, унинг жамиятда тутган ўрни, оилавий тарбияда ота-оналар ва болалар муносабатлари каби жуда кўп муаммолар ҳақида фикр юритамиз-у, аммо унинг ижтимоий жиҳатлари назардан четда қолади.

Оиланинг ижтимоий мақоми унинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланади. Буни биз қуйидагиларда кўрамиз:

- оилада никоҳнинг тўлақонли бўлиши (никоҳда, никоҳсиз, никоҳи бузилган оилалар); оиланинг даражаси (ёш оила, мустаҳкам оила, кекса оила); никоҳнинг тузилиши (биринчи никоҳ, иккинчи никоҳ ва ҳоказо); оилада кўп буғинлилик (бобо-буви, ота-она, набиралардан

иборат оилалар); оилада болалар сони (серфарзанд, камфарзанд оилалар).

Оиланинг ижтимоий мақоми саналган бу жиҳатлар унинг моддий таъминоти билан бирга тарбиявий томонларини ҳам ўз ичига олади. Унинг нозик томонлари қўп. Масалан, оилада турмуш тарзи иккинчи никоҳда биринчисига қараганда ижобий бўлиши мумкин, аммо болалар ва ота-оналар ўртасидаги келишмовчиликлар баъзида унинг психологик муҳитига салбий таъсир этади. Ёки ўзбек оилаларидаги бобо, буви, ота-она, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этиш билан бирга, оилада уй-жой тақсимоти, моддий-маиший томондан зиддиятлар келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Оиланинг ижтимоий ўрни, биринчидан, унинг моддий таъминоти билан белгиланади. Бунга оиланинг кирим-чиқимидағи мослик, уй-жой билан таъминланганлик, рўзғордаги маданий-маиший жиҳозлар, кийим-кечакларнинг етарлилиги кабилар киради. Агар бу ҳам талабларга жавоб бермаса, унинг ижтимоий-иқтисодий мақоми паст даражага тушиб қолиши мумкин. Оила кам таъминланган тақдирда ўртача даражада, моддий томондан таъминланганда эса унинг ижтимоий-иқтисодий мақоми юқори даражада бўлади.

Иккинчи омил – оиладаги психологик муҳитдир. Бунга эр-хотин, ота-она ва оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, бир-бирини

тушуниши, тасаввури ва бир-бирига таъсир этиши, оила аъзоларининг дам олишини қандай ўтказишлари киради. Бу ҳолатлар ҳам юқори, ўрта ва паст даражада бўлиши мумкин. Психологик муҳитнинг пастлиги оилаларда никоҳнинг бузилиши, болаларнинг оиласдан безиши каби зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Учинчи жиҳат - бу оиласнинг ижтимоий маданияти даражасидир. У оила аъзоларининг билими, савияси ва бунинг оиласнинг тарбиявий томонларига таъсири билан белгиланади. Бундай оиласдаги ота-оналар оиласнинг энг яхши анъаналарини давом эттирадилар, болаларнинг ахлоқий, меҳнат, хуқуқий, эстетик тарбияси билан муентазам шуғулланиб борадилар, оиласда соғлом турмуш тарзини яратадилар.

Тўртинчи ҳолат - оиласда болага муносабат даражаси билан белгиланади. Булар болага ва унинг қизиқишлирига бўлган ҳурмат, эътибордир. Оилалар юқоридаги жиҳатлари билан соғлом оила ва носоғлом оила турларига бўлинади. Ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида баъзи ёшлар тўғри йўл топа олмай, ёт таъсирларга берилиб кетмоқда. Натижада оиласда носоғлом муҳит вужудга келиб, бу аввало унинг аъзоларига, айниқса, балоғат ёшидаги, оила қуриш остонасида турган ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда ва носоғлом оилаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам бундай шароитда биз ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, ўқув юртларида уларнинг ижтимоий ҳаётига кўпроқ эътибор беришимиз керак. Чунки бугунги талаба эртага оила раҳбари ёки унинг фаол иштирокчисидир.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш деганда фақат иккижиҳатдаги ёшнинг оила қургандан кейинги ҳаётга тайёрлигини эмас, умуман оилавий турмуш тарзига тайёрлигини тушунмоқ зарур.

Маълумки, ҳар бир оила алоҳида хусусиятларга эга. Серфарзандлик, оиласада эркакларнинг ҳукумронлиги, кўпбўғинлилик, оиласада иқтисодий-хўжалик ишларига бир кишининг раҳбарлик қилиши ўзбек оиласарига хос умумий хусусиятлардир. Ҳозирги даврда вужудга келаётган айрим камфарзанд, никоҳи бузилган оиласарда фарзандларнинг вояга етиши ва хўжалик юритишига ҳар бир оила аъзосининг ўзича ҳисса қўшиши, миллий урф-одатларга ўта риоя этадиган оиласар ёки ўта “замонавий” оиласарнинг таркиб топиши натижасида уларда тарбияланган ёшларнинг оила қургандан кейинги ҳаётида номувофиқликлар келиб чиқмоқда. Чунки турлича хулқ-атвор, хатти-ҳаракат, турлича турмуш тарзига эга бўлган, икки оила фарзандлари қовушганда биринчи навбатда ижтимоий номувофиқликка сабаб бўлади. Масалан, ёлғиз она ёки аёл ҳукмрон бўлган оиласада

ўсган қиз серфарзанд, барча миллий расм-русумларга риоя этадиган оиласа тушганда қийналиб қолиши мумкин. Бундай гавжум оиладаги меҳнат мұхити, ёш, тажрибасиз, “эркин” оила фарзандини толиқтириб қўяди. Ўта “замонавий” оилада ўсган қиз ҳам миллий урф-одатлар ҳукмрон бўлган оилада ўз ўрнини топгунча барча келишмовчиликлар юз беради. Янги оиладаги тартиб, талаблар ҳатто ёш оиланинг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин.

Ана шундай ҳолатларда, ўз уйида оила илмидан сабоқ ололмаган қизга, билим даргоҳида оила маънавиятидан олган сабоқлар катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам билим даргоҳларида ёшлар ўртасида:

- Оила сирлари нимада?
- серфарзандлик улуғми, камфарзандлик?
- оиладаги меҳнат мұхитига қандай кўникиш мумкин?
- оилада миллий урф-одатлар, санъат устун бўлишини истайсизми? Нима учун?
- “замонавий” оила деганда нимани тушунасиз?
- Сиз келин (куёв) бўлган оила сизга мувофиқ келмаса, қандай йўл тутасиз? Ажралиб кетасизми ёки оилани сақлашнинг бошқа йўлларини излайсизми?
- қайси ҳолатларда ниқоҳни бузиш мумкин эмас?

- эрка қизлар ва йигитлар оила қурганда қандай ҳолатга тушиши мумкин?

- оила аъзоларининг илмий салоҳияти оилавий ҳаётда қандай роль ўйнайди? каби муаммолар юзасидан умумий мулоҳазалар билан бир қаторда маслаҳатли ва якка ҳолда суҳбатлар, маърифий тренинглар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу тадбирлар турли вазиятларда, турли муддатларда ўтказилади.

Демак, оила ижтимоийлик касб этиши билан бир қаторда у ўта шахсийлик ҳам касб этиб, унинг “ичига” оиланинг ўз аъзоларидан ташқари ҳар бир кишининг қўшилиши ҳам ҳамма вақт ижобий натижа беравермайди. Ўзбек оиласининг ҳар бири – бир “мамлакат”, унинг эса ўз бошлиғи, ўз вазири, ўз фуқароси бор. Оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ҳам унинг ана шу етакчиларига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам оиланинг соғломлиги, барқарорлиги, фаровонлиги, унинг муаммоларига бир бутун, яхлит тарзда ёндашиб, ҳал этилади ва оилавий муносабатлар, соғлом психологик муҳит, оилада никоҳ масалалари, фарзандлар ва аёл саломатлиги, оила хуқуқи ва иқтисоди, меҳнат муҳити, оилавий зиддиятларнинг келиб чиқиши сабаблари, турмуш тарзи ва маданияти муаммонинг илдизларини чуқур ўрганиш ва булар ҳақида ҳар бир ёшни оила илми билан қуроллантириш зарур бўлади.

## **ЭНГ МУҚАДДАС ТҮЙГУ...**

Талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилишидир. Ёшларнинг саломатлиги аслида уларнинг турмуш тарзини шакллантириш мезонидир.

Талабаларнинг саломатлигини ўрганиш энг аввло уларнинг саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш натижасида касаллик ташхиси ва профилактикасини яхшилаш, талабаларга тиббий ёрдам кўрсатиш маданиятини юксалтириш ва соғломлаштириш тадбирларини ўtkазиш зарурияти бўлиб, бу долзарб муаммолардан биридир.

Одатда, қизлар билан саломатлик юзасидан профилактика ишлари олиб борилади-ю, йигитлар кўпинча унутилади. Турмуш шароитида энг оддий гигиеник қоидаларга риоя қилмаслик, вақтида овқатланмаслик, сурункали ва наслий касалликлар, заарли одатлар, спиртли ичимликлар ичиш, чекищ, тасодифий жинсий алоқалар оқибатида жуда қўп касалликлар келиб чиқиши мумкин ва уларнинг олдини олиш ўта муҳимдир.

Олий ўқув юртларида талабаларни тиббий кўрикдан ўтказиш орқали у ёки бу касаллик билан оғриганларини доимо назорат қилиш, касалликнинг олдини олишга доир барча

тадбирларни белгилаш, ёшларнинг чиниқиши ва спорт билан шуғулланишига имконият яратиш, яшаш шароитини яхшилаш, ётоқхона ва майший хоналарда гигиена қоидаларига риоя этиш, умуман олганда, ҳам руҳий, ҳам тиббий томондан соғлом турмуш тарзи пойдеворини қуришга интилиш оиласида келажакда ҳамжихатлик мұхитини яратишга тайёргарлик омили саналади.

Ёшлик даврида ҳар бир соғлом йигит ва қиз севги-муҳабbat түйғусини бошидан кечиради. Бу түйғу айниқса ўсмирлар балоғат ёшида, яъни айни билим олаётган бир даврида рўй беради. Зеро, ҳар бир йигит-қиз бу даврда бутун қалби, вужуди билан кимгадир яқин бўлишни истайди. Бу интилиш фақат ўз ҳаёлида чақиб юрган, ўз қалби билан интилганини “топганда”, бирдан “ярқ” этиб, бутун олам унга очилиб, гуё қанот баҳш этади. Гўзал дунё янада гўзаллашгандек бўлади, хунук нарсаларда ҳам ўзгача бир чирой бордек туюлади. Йигит ҳам, қиз ҳам қалбида севги куртак очганда, ўзида ҳам фақат яхши, олижаноб хислатларни кўради. Ҳар иккиси ҳам бир-бири учун ҳатто жонини фидо этишга тайёр туради.

Ҳақиқий муҳабbat, шахсий эҳтиёж, эмоционал-физиологик эҳтиёж билан бирга ахлоқий эҳтиёж ҳам узвий боғланган бўлади. Йигит ёки қиз ўз шахсий эҳтиёжи учун севгилиси ор-номусини топтамайди, балки уни янада юксакликка кўтаради, асраб-авайлайди. Бунда ёшларнинг ўз оиласида, мактабида олган тўғри

тарбияси табиий эҳтиросларни оқилона енгиб, аввал ўқишини муваффақиятли тугатишдек олий мақсадини амалга оширишга ёрдам беради.

Маълумки, севгининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ички руҳий жараён бўлса ҳам, ҳар бир йигит-қиз ақл ва соғлом фикрга асосланиб иш кўрсагина, у ҳақиқий муҳаббатга айланади.

Лекин, шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, ёшларнинг ҳаёт денгизига чалғиб кетиб чўкаётган ҳолатлари ҳам қўп бўлади. Шундай экан, таълим жараёнида, дарслардан ташқари машғулотларда жинсий тарбияга доир ўрта мактабда берилмаган билимларни сингдириш, ўта фожиавий ҳолат юз бергунга қадар унинг олдини олишга доир турли воситалар билан ҳам таништириб бориш муҳимдир. Чунки инсон ҳар қандай вазиятда ҳам оқиллик билан иш юритиши зарурлиги, аччиқ ҳақиқатлардан кўз юммаслик – ёшлар билиши керак бўлган масалалардан ҳисобланади.

Йигитми, қизми ўз эҳтиросларини жиловлай олса, ақл ва тафаккур билан иш кўрсагина, - хоҳ талабалик йилларида бўлсин, хоҳ олий даргоҳни битиргандан кейин бўлсин, - қонуний никоҳга киргандагина, оила ташвишларини ва ҳаётдаги барча қийинчиликларини бирга тортади ва умр бўйи бир-бирига ҳамкор бўлади.

Демак, оила қуриш учун фақат севгининг ўзи етарли эмас. Уни ҳали синаш, ҳаёт

қийинчиликлари ҳақида тасаввурга эга бўлгандагина оила қуришга аҳд қилиш мумкин.

Чунки қанчалик синаб, синалиб ҳаёт қурганда ҳам, оила қургандан сўнг ҳаёт бирданига ўзгариб кетади. Ана шунда ёшларнинг оилавий тасаввурлари қўл келади. Оилавий ҳаётнинг ўзига хос оқими олдида кўп ёшлар довдираб қолади, унинг ташвишларига бардош бера олмайди. Қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Бу жиҳатлар оиласидаги иқтисодий қийинчиликлар, қиз ва йигит оиласидаги номувофиқликларнинг таъсири асосида салбий ҳатти-ҳаракатлар, асаббузар жанжалларга олиб келади. Унинг ортидан келиннинг ҳомиладорлиги, оила юмушларини эплай олмаётгани билан боғлиқ инжиқликлар, куёв боланинг бу жараённи тушуна олмаслиги асосида пайдо бўлган қўрс муомала муҳаббатга рахна сола бошлайди. Ўз оиласида, илм даргоҳида буларнинг барчасига ёшлар тайёр бўлсагина, бундай ҳолатларнинг олди олинади.

Ана шундай кезларда ёшларнинг оилавий ҳаёт тўғрисида тўғри тасаввурлари ёрдам беради. Агар ҳар бир ёш ҳаётга парда орқасидан эмас, очиқ кўз, соф қалб, етук ақл билан қараса, бу қийинчикларни енгиб ўтиши муқаррар.

## **ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ**

Мұхим ижтимоий институт ҳисобланған оила ёшлар маънавиятини шакллантиришда асосий таянчдир. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаши учун ёшларни келгуси оилавий ҳаётга тайёрлашда халқ педагогикасининг бош тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлашда миллий қадриятлардан фойдаланиш концепцияси яратилди. Мазкур муаммо бүйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Оилавий тарбия соҳасида халқ педагогикасининг имкониятлари, шакл ва методлари ишлаб чиқылди

Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳам халқимиз бой тарбиявий меросга эга. Ана шу бой меросимиздан фойдаланған ҳолда, ёшларни оилавий ҳаётга умуминсоний, маънавий-ахлоқий, хуқуқий, рухий, физиологик-гигиеник, педагогик, эстетик, иқтисодий-хўжалик йўналишларида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Талаба-ёшларни мазкур йўналишларда оилавий ҳаётга тайёрлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, булар уларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва бурчларини эгаллаб олиши, ўз-ўзини англашини

ривожлантириш асосида ёшларнинг касб танлаши ва оилавий ҳаётга тайёрланишга оид шахсий ҳаёт тарзи ҳам шакллана боради. Бу даврда физиологик ўзгаришлардан кўра, ижтимоий ўзгаришлар кўпроқ намоён бўлади. Талаба-ёшларнинг тўғри касб танлаши, саломатлигини йўлга қўйиши, севги-муҳаббат туйғусини жиловлай олиши, турмуш тарзи, бўш вақтини тўғри ташкил эта олиши муҳимдир. Яъни, талаба-ёшларнинг келажак ҳаёт тарзини моделлаштириши мақсадга мувофиқдир.

Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш илмий асосга ва амалиётга таянади. Шунга кўра, айниқса, мустақиллик йилларида қатор илмий-тадқиқот ишлари яратилиб, бу борада янги йўналишлар кашф этилди.

Оила қуришга психолигик жиҳатдан тайёр бўлиш; физиологик-гигиеник тайёргарлик; педагогик билим билан қуролланиш, оилавий ҳаётга эстетик муносабатни шакллантириш муҳим бўлиб, бунда оиланинг майший имкониятларини билиш, оилада маънавий-психолигик муҳим ярата олиш, қурилажак оиланинг моделини лойиҳалаш малака ва кўникумларини ҳосил қилишдан иборатdir. Бунинг учун ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосини педагогика фанидан илмий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, оилада янги ижтимоий шароитда мустақил фикрлайдиган баркамол шахс тарбиясининг бир бутун тизимини яратиш;

мустақиллик шароитида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланишда ҳозирги давр талаблари билан уйғунлаштириш йўллари, мазмuni, шакл ва методлари, воситаларини аниқлаш зарурияти келиб чиқди.

Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда халқ педагогикасининг имкониятлари катта бўлиб, булар дидактик ва тарбиявий, яъни педагогик билимлар, тушунчалар, тамоиллар тарзида ифодаланади. Халқ педагогикасининг ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш имкониятлари деганда, оилавий ҳаётга доир педагогик билимлар, тушунча ва тамоилларни ёшлар тарбиясига тадбиқ этишдаги шарт-шароитларига айтилади. Бунда халқ педагогикасининг мазмuni кенг ва бой материал беради. Эмпирик билимлар кўпроқ халқ оғзаки ижодида намоён бўлади. Бундан ташқари миллий урф одатлар, анъаналар, маросимлар, халқ ўйнилари ва ўйинчоқлар, диний таълимотлар, халқ амалий санъати ва хунармандчилиги, миллий мусиқа ва қўшиқчилик, тасвирий санъат, тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик, халқ рақс санъати, халқ табобатига доир билимлардан ҳам фойдаланиш самарали натижа беради.

Ҳозирги даврда талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, аввало, уларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари аниқланади. Олиб борилган ижтимоий сўровлар натижасида оила

никоҳ масалалари, оилада юзага келадиган турли вазиятлар ва ёшларнинг уларни ҳал этишга тайёр эмасликлари маълум бўлди.

Социологик тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, талаба-ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасавурларини бойитиш мақсадида оилада соғлом психологик муҳит яратишда талаба-ёшларни маҳсус билимлар билан қуроллантириш, педагогик психологик маслаҳатхоналари ташкил этиш, оила маънавияти билан ҳар бир талабани таништириб бориш, “Оила-маҳалла-олий ўқув юрти” тизимида оила никоҳ масалаларида иш олиб борувчи фаоллар гуруҳини ташкил этиш, талаба-ёшларни тиббий кўриқдан мунтазам ўтказиб бориш ва тиббиёт ҳамда ҳалқ табобатига доир билимлар билан қуроллантириб бориш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шунингдек, ҳалқ педагогикаси намуналарига таянган ҳолда талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепцияда меҳнат тарбияси ва ҳунар ўрганишга доир анъаналаримизни, Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини ва барча инсоний хислатларни ёшлар онги ва қалбига узлуксиз сингдириб бориш, маҳалла – оила – ўқув юрти тизимида барча тадбирларни амалга ошириш, оилада катта ёшлиларга, устоз мураббийгаҳурмат туйғусини шакллантиришда миллий анъаналаримизни тиклаш, ўзбек

халқининг меҳмондўстлик хислатларини ҳозирги давр дипломатик алоқалар, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик даражасига кўтариш, турмуш эстетикасини таркиб топтириш, табиатни севиш ва уни авайлаб асраш; қўпайтириш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топди.

Демак, талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда халқ педагогикасидан фойдаланиш муаммоси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асосида қўйидаги хуносаларга келдик:

1. Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун ёшлар ва оила муаммоларини ҳал этишга эътибор қаратилди: Ватан ва ватанпарварлик ғоясини ёшлар онгига сингдириш асосида она Ватан, оила муқаддаслигини уйғун ҳолда уларга етказиш; оила ва мағкуранинг ўзаро боғлиқлиги, оила жамият негизи эканлиги, оиланинг тарбиявий ахлоқий қадр-қиммати; оиланинг маънавий таянчлари; соғлом мұхит соғлом оила таянчи эканлиги; оиланинг мустақиллик йилларида равнақ топиши масалалари унинг самарадорлигини оширишда асосий мезон қилиб олинди.

2. Баркамол шахс дастлаб оилада шаклланади ва оила анъаналари унинг ҳаётида жамият тараққиётида ўз ўрнига эга бўлишида катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам оилани мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига эга бўлган

муаммолардан ҳисобланади. Талабалик йилларида ёшларнинг ғоявий мафкуравий соҳада ўзига хос йўл топа олишига интилиш кучли намоён бўлиб, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиласдек муқаддас даргоҳга, у орқали Ватанига содик бўлишга, ҳар қандай таъсирларга берилмай, ғоявий эътиқоди мустаҳкам инсон бўлиб шаклланишига замин тайёрлайди.

3. Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим педагогик муаммо бўлиб, бу жараённи қуидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди: ёшларнинг оила қуришида ҳар икки томон, яъни қиз ва йигит оилаларининг мувофиқлигига эътибор бериш; физиологик-гиgienик тайёргарлик; педагогик билим билан таъминлаш; ҳаётга эстетик муносабатни шакллантириш; оила ҳаётига иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш.

4. Ўзбек халқ педагогикасида ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш кенг ифодаланган бўлиб, бу борада маълум тажрибалар тўпланган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб маълум бир тизимни ташкил этган. Бу тизим никоҳ ва оиланинг севги-муҳаббат асосига қурилиши, фарзандларни никоҳга тайёрлаш, уларни узатиш ва уйлантиришга доир талаблар, ота-оналар ва фарзандларнинг бурч ҳамда вазифаларидан иборат бўлиб, оила қуришда маълум концептуал асосни ташкил этади ва катта имкониятлар яратади. Мазкур имкониятлар ўзбек

халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар ва анъаналар, диний таълимотлар, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати, тасвирий санъат, тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик, рақс санъатида намоён бўлиб, улар асосида талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда турли метод на воситалардан фойланилади.

5. Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни замон талаблари асосида такомиллаштириш, бунда ижтимоий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, психологик, физиологик, гигиеник, педагогик, эстетик, иқтисодий омиллар ҳисобга олинди ва талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни ташкил этишда маъruzалар ва амалий машғулотларда энг илғор методлардан фойдаланган ҳолда тестлар, сухбатлар, ролли ўйинлар, овозли экран воситаларидан фойдаланиш мутахассислар билан учрашувлар, баҳс ва мунозаралар ўtkазиш, адабиётлар, вақтли матбуот материаллари муҳокамаси самарали натижалар берди.

6. Халқ педагогикаси мазмуни асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласини ҳал қилиш учун этнопедагогика, педагогика тарихи, этнопсихология, социология, сиёsatшунослик, иқтисодиёт, демография, экология, адабиёт ва санъат, фалсафа сингари фанларнинг ўзаро алоқасини жипслаштириш лозим.

## **“СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

Янги қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастурида ҳам аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишига доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунга кўра, дастурнинг педагогик аҳамияти қуидаги ўринлар билан белгиланади:

1. Соғлом бола учун зарур бўлган **ижтимоий-таълимий инфраструктурани яратиш ва такомиллаштириш**: унинг таркибига тиббий, таълимий ва спорт муассасалари, таълимий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация қилиш ва педагогик фаолият самарадорлигини таъминлаш, педагогик мақсадга этишда бола эҳтиёжларини ўз мазмунига тўла қамраб олган хизматларни жорий этиш кабилар киритилади. Аввало боланинг туғилиши биланоқ унинг жисмоний, тиббий, маънавий, ахлоқий соғлом бўлишига алоҳида аҳамият қаратилиши даркорлиги таъкидланади. Яъни, бола таълими ва тарбияси нуқтаи назаридан санаб ўтилган йўналишларнинг барча узвий боғлиқлиги, ўзаро

алоқадорлиги, бири-бирини тўлдириши тамо-йилига таянилади. Боланинг илк шаклланиши давриданоқ унинг ҳар томонлама етук бўлишига эътибор қаратилади. Муҳими, давлат томонидан бола тарбияси учун зарур бўлган барча ижтимоий инфраструктура, яъни болалар боғчалари, мактаблар, турли ўқув юртларининг замонавий талабларга жавоб берадиган фаолиятларини ташкил қилиш, оила даромадларининг ўсишини, унинг бола таълим-тарбияси учун етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш, турли нодавлат тузилмалари, хусусан, ОАВ ларининг бола тарбиясига алоқадор самарали сайи-ҳаракат-ларини ташкил қилиш ишларининг барчаси иқтисодий томондан мақсадли таъминланиши зарурлиги белгиланади.

2014-2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланиши даркорлиги қайд этилади. Шу билан бирга, давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 та умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгилаб олинади. Бундан ташқари, 161 касб-хунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилади. 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари

ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиали иловали дарсликлар бепул берилиши даркорлиги таъкидланади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳам таъминланган оиласалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги қишки кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилиши белгилаб олинган.

Маълумки, XXI аср ахборот ва янги технологиялар асри сифатида ривожланмоқда. Бугунги авлодлардан мана шу янгиликлардан ўз вақтида кечикмай фойдалана олиш малакалари талаб этилмоқда. Шу боис, дастурда “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши белгилаб олинди. Бу ўз ўрнида болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоқقا уланиши мўлжалланган. Мазкур мақсадлар мамлакатимизда ахборот олиш ва ахборот узатиш тизимини янги мазмунда қайта қурилиши ва замонавийлаштирилиши учун хизмат қиласи.

1. Соғлом болани шакллантиришда ижтимоий инфраструктуранинг ўрнива аҳамияти жуда кучли ва аҳамиятли эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда болалар ҳордиғи масалалари бутунлай қайта қурилиши назарга олинади. Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғлари, Тошкентдаги ботаника боғи реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиаллари очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, Республика қўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусиқали театр студияси капитал таъмирдан чиқарилиши режалаштирилади. Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шумақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

2. Соғлом болани тарбия қилиш учун соғлом нжтимоий-таълимий муҳитни яратиш. Соғлом муҳит тушунчаси мазмуни эса бундан 20-30 йил аввалги соғлом муҳит тушунчасидан бутунлай фарқ қиласи. Унинг мазмуни бугунги кунда серқирра ва қўптомонли бўлиб, соғлом муҳит

аввало соғлом ижтимоий мұхит, яъни жамиятнииг тараққиёт, равнақ, ўсиш, бунёдкорлик асосиға қурилиши лозимлигини англатади. Соғлом мұхит түшунчаси инсон капиталини бунёдга келтириш учун зарур бўлган барча ўринларни ўз мазмунига қамраб олади. Инсон капитали яратиш ва уни жамият тараққиёти ишларига сафарбар этиш аслида педагогик вазифа бўлиб, давлатимизнинг бош мақсадларидан бири саналади. Соғлом ижтимоий инфраструктура таркибида турли ёт бузғунчи ғоялардан ҳоли бўлиш яратувчанлик психологиясига эгалиқ, ўз мақсадларини давлат равнақи мақсадлари билан узвий боғлай олиш, жамият тараққиёти омилларини чуқур англаш кабиларни киритиш ўринлидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун мамлакатимиизда 130 маданият ва дам олиш марказларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилади. Ёзги таътил даврида болаларнинг хордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35.7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

**3. Соғлом болани шалкллантириш учун тиббий-соғломлик тузилмаларини яратиш ва**

**улар ишини такомиллаштириш:** Ўзбек халқи “Соғлом танда соғ ақл” дейди. Шунга кўра, дастурда муҳимлиги қайд этилган йўналишлардан бири бу тиббий-соғломлик йўналиши саналади. Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш учун соғломлаштириш ҳафталиклари, ойликларини жорий этиш даркорлиги белгилаб қўйилади. Бунинг учун Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ҳамда тубдан таъмирланиши белгилаб олинади. Турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштирилиши, миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш қўлами кенгайтирилиши, йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбия-ланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиши режалаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар

ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланиши, "Баркамол авлод" болалар марказларини шакллантириш белгиланади, 66 шундай марказлар тубдан таъмирлананиши ва жиҳозланиши режага киритилади. Давлат дастури асосида соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДҲ мамлакатдарида ўхшаши бўлмаган замонавий қўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш қўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят қўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам қўрсатиш имконини беради.

4. Соғлом болани шакллантириш учун зарур бўлган **миллий қонунчилик базасии яратиш ва қонунчилик мазмунини такомиллаштириш**. Дастурда мазкур тушунчалар "соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-

хуқуқий шароитлар, уларни таъминловчи миллий қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий база, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чоратадбирлар” сифатида талқин қилинади. Демак, белгиланган ижтимоий-педагогик вазифани тўлақонли амалга ошириш энг аввало қонуний базани такомиллаштириш вазифаси қўйилади. Шу боис, дастурда саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. “Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни қабул қилиш даркорлиги белгилаб олинади.

5. Соғлом болани шакллантириш учун **ижтимоий рағбат ва ҳомийлик тизимлари фаолиятини кучайтириш**. Мазкур мақсадда 2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзусида халқаро форум ўtkазилиши режалаштирилди. Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхурлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Мехрибонлик

уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларини моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илфор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади. Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оиласлар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилиши даркорлиги таъкидланади.

Давлат дастурида режалаштирилган қатор қизикарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилади. Наманган вилоятида ўтадиган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, “Она юрт наволари” халқ чолғу асбоблари ҳалқаро танлови, “Энг ёш ихтирочи” танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлиши муқаррар.

## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСПЕКТЛАРИ

Оила бекиёс миллий ва умубашарий қадриятлардандир. Оила жамиятнинг энг кичик ижтимоий бирлиги, унинг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, оила инсоний қадриятлар тизимини юксак даражада шакллантирувчи институт ва маънавий ахлоқий тарбия ўчоғи ҳамдир. Айнан оиласида қўпчилик гуманитар қадриятлар тарбияланади, ўстирилади ва тарғиб қилинади.

Оила муқаддаслигини таъминлаш жамият асосларини мустаҳкамлаш билан баробардир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасида оила асосларини мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик вазифалардан ҳисобланади.

Ҳар бир халқ ва миллий анъаналар таркибида ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Аммо замонавий жамиятлардаги кескин ўсиш суръатлари, турли ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий инқирозларнинг авж олиши, инсон зиммасига юклатилаётган ранг-бараңг ижтимоий вазифаларнинг ортиб бораётганлиги оиласида жуда катта фаоллик тақозо этади ҳамда замонавий жамиятларда оила ўрни ва унинг вазифалари қўлами масаласига маълум ўзгаришлар киритади.

Оила миллий қадриятлар маскани ҳисобланади. Ёшларни оилага тайёрлаш жараёни

ҳар бир миллатнинг маданий ва маънавий-руҳий қадриятларидан ҳисобланиб, хусусан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш инсоният тарихида халқ маънавий такомилининг энг улуғ ва олий йўналишларидан бири бўлиб келган. Оилавий маданият, оилавий ҳаётга онгли кириб бориш, оилавий вазифаларни бажаришга тайёргарлик, ҳаётда оила ўрнини юксак қадрлаш, оилага маъсулият билан қараш, халқ маънавий меросидаги оила қадриятларини ўз замони талаблари билан уйғунлаштириб ривожлантириш ҳар вақт инсон ҳаётий мезони ва жамият олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида тан олинган.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласининг педагогик аспектлари мустақилликнинг илк йилларданоқ тадқиқотчиларнинг диққатини тортиб келди. Ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш тафаккури айнан мустақиллик йилларида кенг ривож топди, аҳоли ўртасида тарғиб ва ташвиқ этила бошланди, давлат дастурларининг бош моҳиятини ташкил қилди.

Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроқ қисмини ёшлар ташкил қилиши, ўсиб бораётган ёш авлодни жамиятда мустақил яшашга тайёрлаш вазифасининг долзарблиги ёшларни жамият ҳаётига ва оилавий турмушга тайёрлаш ишларини жадаллаштиришни ва янгича мазмунда қайта қуришни талаб этди. Инсонларнинг ўзаро

муносабатларида кескинликларнинг ўсиб бораётганлиги, замонавий зиддиятларнинг инсон тафаккури ва онгига таъсир этиш орқали унинг психологик ҳолатида салбий ва асабий оқибатларнинг вужудга келиши, ёш оилалардаги ажрим ҳолатларнинг мунтазам ўсиб бораётганлиги, болалар ва ўсмирлардаги агрессия ҳолатларининг вужудга келаётганлиги каби муаммолар ёшларни оилага тайёрлаш вазифасини тўлақонли олиб бориш талабини кун тартибига қўяди.

Оилага нисбатан инсоният тарихида асрлар давомида шаклланиб, эъзозланган маънавий эҳтиёжлар тизими, оилани шахс маънавиятини асрраб-авайлайдиган, унинг баркамоллиги мезонларидан бири, деб тан оладиган қонун-қоидалар мажмуйи сифатида англаш, оилани бутун жамият ва миллат тақдири ва тараққиётига бевосита оидлигини чуқур идрок этиш – шахснинг маънавий етуклигини қўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланган. Чунки оилани муқаддас деб билмаган инсон –маънавий қашшоқ инсондир. Оилани муқаддас деб англаш ҳар бир жамият аъзосининг ўз виждони, ўз оиласи ва фарзандлари олдидаги бурчидир.

Глобал ўзгаришлар асосида сўнгги вақтларда ўзбек оиласида ва оила аъзолари муносабатларида маълум ўзгаришлар юз бермоқда. Мазкур таъсирнинг ўзига хос ижобий ва салбий оқибатлари мавжуд. Ижобий томони

шундаки, мавжуд глобал шарт-шароитлар ва талаблар ўзбек оиласининг функционаллик жиҳатдан ўсиши ва ўз масъулиятидаги вазифаларга тайёрлигини оширади, ўзбек оиласининг дунё ҳамжамияти билан бўлган турли алоқадорлигини, унинг жаҳон бозори ва техноген ўсишга нисбатан бўлган интеграциясини таъминлайди, шу нуқтаи назардан ўзбек оиласининг давр ва замонга ҳозиржавоблигини оширади, оиланинг ижтимоий ўрни нуқтаи назаридан маълум ижобий трансформацияга сабаб бўлади. Салбий таъсир эса глобаллашув оқибатида юзага келган оммавий маданият, турли мафкуравий таҳдидлар, диний ва бошқа турдаги экстремизм, рангли инқилобларнинг авж олиши, ксенофобия, меҳнат ресурслари миграцияси ва бошқа ўнлаб тазийикларни оилалар тинчлиги, равнақи, осудалигини бузиши, миллий оилавий менталитетнинг қўпорилишида намоён бўлади. Шу боис, бугунги кунда миллий анъаналарни оилавий турмуш борасида умумбашарий назарий билимлар билан қўшиб олиб бориш талаб этилади. Ёшларни оилавий ҳаётга психологик, руҳий, жисмоний, жинсий томондан тўлиқ тайёрлаш масалалари қуидаги йўналишлардаги маълум билим ва қўникмаларни шакллантиришни тақозо этади:

**1. Оила саломатлиги:** оила аъзолари саломатлиги бўйича бирламчи билимларга эга

бўлиш, саломатликни сақлаш омилларини билиш, саломатликни сақлаш ва умрни узайтириш усулларини ва миллий қадриятларни оила ҳаётига сингдира билиш, миллий табобатдан хабардор бўлиш, репродуктив саломатлик мезонларига амал қилиш, тўғри овқатланиш меъёрларига риоя қилиш, саломатликни сақлаш – фуқаролик бурчи эканлигини англаш, қариялар саломатлигига эътиборли бўлиш, гўдак ва эмизикли болалар саломатлиги, болаларни юқумли касалликлардан асрай олиш, оиласда тиббий билимларга хурмат ва эътиборнинг шакллантирилиши, фарзандларни замонавий тиббий таҳдидлардан асраш, уларга тиббий таҳдидлар бўйича зарур билимларни бериб бориш, болани она сути билан боқиш мазмунини англаш, ҳаётга физиологик-гигиеник жиҳатдан тайёр бўлиш, оиласининг ижтимоий аҳволини яхши ва равон сақлаш, уни яхшилаш омилларини ўрганиш.

**2. Оиласдаги жинслараро муносабатлар:** жинсий тарбия асослари, жинслар психологияси ва саломатлиги бўйича билимларни эгаллаш, никоҳни улуғлаш, никоҳдаги ҳалоллик ва садоқат, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни анъанага айлантириш, она саломатлигига муқаддас муносабат, фарзанд туғилиши ва унинг саломатлиги, ўзини ва оила аъзоларини заарали кўникумалардан асраш, маънавий баркамоллик, соғлом турмуш тарзи асосидаги ахлоқ нормалари,

инсон психологияси бўйича билимларга эга бўлиш; психологик турларни ажрата билиш, психологик таъсир ўтказиш омилларини эгаллаш, психологик мувозанат сирларини эгаллаш.

**3. Оила ахлоқи ва эстетикаси:** оиласада ўзаро муносабатлар ва мулоқот маданияти, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик, тиббий ва маънавий соғломик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, етакчилик ва тадбиркорлик, ўзаро муҳаббат, адолат, инсонпарварлик, инсонийлик, тўғрилик, камтарлик, самимийлик, ота-онага хурмат, меҳр-муруват, саҳоват, бағрикенглик, садоқат, вафодорлик, гуноҳ ишлардан қочиш, сабр-тоқат, ўз ваъдаси устидан чиқиш, илмли бўлиш, аёлларни қадрлаш, иффат, ростгўйлик, покизалик, ҳалоллик, ҳиммат ва бардошлилик, хушхулқилик, шукр, ҳаё, тежамкорлик, ҳалимлик, виқор, раҳм-шафқат, оналик меҳри, маънавий баркамоллик, ахлоқий поклик ва вафодорлик, меҳр ва муруватга асосланган оилавий мулоқот маданияти, жамаот ишлари ва оила тараққиётида ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик, маънавий-мафкуравий соғломлик, инсон эркини хурматлаш, ҳар бир инсоннинг такрорланмаслигини тан олиш ва эъзозлаш.

**4. Оила аъзолари ўртасида оилавий мажбурияятлар тақсимоти ва томонлар ҳуқуқлари:** оила ва оилавий мажбурияятлар, аёл ва эркак мажбурияятларига доир замонавий стериотиплар, замонавий оила ва оила аъзолари

мажбуриятлари, оилада ким пул топиши кераклиги, оила маблағларини қандай тақсимлаш зарур, оила ва овқатланишталаблари, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англаш, эр ва хотин ҳуқуқлари кафолатларини билиш, оила ҳуқуқи бўйича қонунчилик тизими берган имтиёзлардан тўғри фойдалана олиш, дин, оила ва инсон ҳуқуқлари масаласи, турмуш қураётган ёшларнинг оилалари ўзаро мувофиқ бўлишига эришиш, оила қуришда томонлар эркинлиги ҳуқуқини тўғри англаш, аёлнинг меҳнат, дам олиш, оналик ва болалик муҳофазаси, эркак ва аёл меҳнат муҳофазаси, аёлнинг хомиладорлик бўйича муҳофазаси, оила қуриш тартиби, шунингдек ажрим ҳуқуқи, ажрим ҳолатидаги томонлар ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатларини билиш ва амалда қўллай олиш, оилада гендер тенглик, жинслар ўртасидаги фарқларни англаш, гендер тарбия масалаларини билиш, гендер муҳофаза қонунларини тадбиқ эта билиш.

**5. Оилавий инқирозлар ва уларнинг олдини ола билиш, оилавий конфликтлар ечимиға тайёрлик:** оила ва конфликтлар, конфликтлар инсон ҳаётининг табиий хусусияти эканилиги, конфликт оилавий ва ижтимоий ҳодиса сифатида, конфликтга нисбатан ёшларда тўғри муносабатни шакллантириш, оилавий инқирозлар ва уларга тўғри муносабат, оилавий инқирозларнинг олдини олиш чоралари, конфликтнинг

яратувчанлик ва бузғунчилик хусусияти, оилавий конфликтлардан чиқиб кетиш, уларни енгиш усуллари, конфликтларни бошқариш, ғазаб ва жаҳлни енгиш усулларини билиш, шахс ва оила, оиланинг ҳар бир аъзосига ҳурмат ва эътибор меъёрлари, шахс эркинлиги, эгоизм, эгоизмдан қутилиш омиллари, оилада унинг аъзолари муносабатларидаги уйғунлик, шахс ва жамоа муносабатлари, шахс ва оила манфаатлари бирлиги, оила манфаатларининг устунлиги, шахснинг мулоқот маданияти ва ички дунёси етуклиги омиллари.

**6. Оиладаги соғлом мұхит ва оилавий мулоқот:** оила ва унинг осойишталиги, оиладаги соғлом мұхитни мұхофаза қилишда барча томонларнинг масъул эканлиги, шахсий ҳуқуқларни оила ҳуқуқи билан мутаносиб олиб бора олиш тартиблари, оила аъзолари ўртасидаги мулоқот, оилабошлиғи ва унинг мавқеи, оила бошлиғи ким бўлиши лозимлиги, оила бошлиғи, борасидаги стериотиплар, эрнинг ўз хотинига бўлган муносабати тамойиллари, аёлнинг ўз эрига тўғри муносабати тамойиллари, эрнинг камчиликлари, хотиннинг камчиликлари, ўз камчиликларидан қутилиш тартиблари, оила ва жамият муносабатлари, жамиятда оила мавқеини сақлаш, жамият аъзолари билан бўладиган мулоқотларни тўғри олиб бориш, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш,

оилада мuloқот маданияти, оила маърифати, билим ва китобга муҳаббат, оилада шахс эркинлиги, ота-она ва фарзанд муносабатларидағи самимийлик ва бир-бирини тўлдириш, оилада ота-она ва фарзандга муҳаббат қирралари ва муаммолари, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш одоби, сухбатлашиш одоби, фарзандларни жамоада яشاшга ва жамоада яшаш қонун-қоидаларига ўргатиш, оилавий ҳаётга эстетик муносабатда бўлишга тайёрлаш, оила иқтисодиёти асосларини ташкил қила билиш, иқтисодиётни тўғри юритишга ўргатиш, оилани ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўра билиш, оиладаги соғлом психологик ва тиббий муҳитнинг шаклланишида оила аъзолари мажбуриятлари ва хуқуқларини мутаносиб белгилаш ва ташкил қилишга ўрганиш.

**7. Оила анъаналари ва уларга нисбатан янгича қарашиб:** оила анъаналарининг келиб чиқиш сирлари, оила анъаналарини яратиш ва уларни таъминлаш, оилавий анъаналарни авлодларга ўтказиш, оила анъаналарида шахс баркамоллиги ўрни, оила аъаналарида соғлом турмуш тарзи, спорт, жисмоний тарбия ва жинсий ҳалоллик масалалари, оилада байрамларни нишонлаш тартиби, оилавий анъаналарни сақлашга фарзандларни ўргатиш, оила ва саёҳат, оила ва ўз ўлкаси тарихи, географияси, миллий урф-одатларини ўрганиш, оила анъаналаридан фарзанд тарбиясида унумли фойдаланиш.

## **ОИЛАВИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

Оилани муқаддас даргоҳ сифатида эъзозлаш ва қадрлаш ўзбек миллатининг азалий қадриятларидан саналади. Оилавий қадриятни фарзанд онгига сингдириш тарбиянинг бош мақсади ва талабларидан саналади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири ҳисобланиб, мазкур вазифа ўзининг янгича моҳиятини намоён қилаётган бўлиб унинг мазмуни кундан-кун ўзгариб, моддий таъминланган, маънавий қўллаб қувватланган давлат сиёсати орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама жамият ҳаётига тайёрлаш масалалари давлат истиқбол ривожланиш стратегиясининг муҳим жабҳаларидан бири сифатида талқин қилинади ҳамда фуқароларнинг келгуси заҳирасини бунёд этишнинг асоси деб тан олинади.

Ёшларни оилага тайёрлаш тушунчасининг бизнинг мамалакатимизга хос бўлган миллий хусусиятлари ҳам мавжуд. Улар сирасига – оилага бўлган муқаддас муносабат, оилада диний бағрикенглик тамойилларининг тарбия қилиниши, оилага садоқат, оилада ижтимоий, молиявий, иқтисодий вазифалар тақсимоти ва унинг анъанавийлик негизига қурилиши, оилада етакчилик, оилавий урф-одатлар ва маросимлари

тартиби, оиланинг ижтимоий вазифалари кабилар киритилади.

Аммо шу билан бирга бугунги замон, айниқса мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожи ҳамда демократик давлат қурилиши оиланинг анъанавий вазифалари қаторига янгича тамойиллар асосида шакллантирилган бир қатор янги вазифаларни юкламоқда. Улар сирасига миллий ғоя ва миллий мафкура, демократик қадриятлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга асосланган, умумбашарий ва миллий тафаккур асосидаги днёқарашни шакллантириш, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясини оиласда тарбиялаш, ёт мафкуралар таъсиридан ёшлар тафаккурини асраб авайлаш ва мазкур ғояларнинг асл моҳиятини тўғри тушунтириш, мафкуравий уйғоқлик ва сезигирлик талаблари алоҳида аҳамият касб этади. Мафкуравий огоҳликсиз бугунги кунда оиласвий тарбия тушунчасини тасаввур этиб бўлмайди.

Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш мавзуси мустақиллик йилларида педагогик таълим ва педагогик фанлар таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, ривожланиб борди. Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш мавзуси энг аҳамиятли мавзулардан саналиб, мазкур масала бугунги кунда кенг қамровли тармоқланган тизимларнинг амалий ва назарий билимлар мажмуасини ўз таркибида мужассам этади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш фаолияти бир неча босқичлар узвийлигидан иборат бўлиб, унинг амалиёти нафақат ёшларнинг ўспиринлик даврини, балки талабалик даврларини ҳам қамраб олишни талаб этади. Бугунги кунда ёшларни оилавий турмушга тайёрлашнинг хукуқий, тиббий, психологик, жинсий, гендер, диний ва маърифий, мафкуравий, шахс маданияти, зиддиятлар ечими, жисмоний тарбия ва спорт, уй-рўзғор тутиш, кийиниш одоби, оила анъаналари, болалар тарбияси, молиявий, иқтисодий, оила нуфузи ва ижтимоий мавқеи каби йўналишлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос кўпқиррали ва аҳамиятлидир.

Аммо кўпчилик ҳолларда фарзандни оилавий ҳаётга тайёрлашда объектив ва амалий, яъни бугунги ҳаётимизда кенг учраб туроётган ҳолатлар таҳлили эмас, балки кўпроқ назарий масалаларга ўрин берилади. Оилавий тарбия билан оила аъзолари, унинг ичида бош тарбиячи сифатида ота оналар, мактаб ҳамда фуқаролик жамияти институти (ННТ, телеведение, радио, интернет) кабилар у ёки бу даражада шуғулланади. Аммо улар таркибида ҳам оилавий ҳаётга мустақил кирмаган ёшлар учун амалий билим, малака ва кўникмалардан кўра, назарий, умумлашган, айнан ўзбек оиласи муҳити учун ҳос бўлган ахборотларни топиш мушкул кечади. Шунга кўра, ўзбек оиласи ва ўзбек оиласидаги зиддиятли ўринларни қандай бошқариш

мумкинлигига доир билимларни эгаллаш аҳамият касб этади.

Хеч бир инсон ўз ҳаётида зиддиятларсиз яшаши мумкин эмас. Зиддиятлар инсон ҳаётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир инсон ҳаётида у ёки бу даражадаги турли зиддиятлар бўлиб туради. Амма юқорида саналган ҳеч бир ижтимоий ва педагогик институт (оила, мактаб, фуқаролик жамияти) ёшларни зиддиятлар ечимини қандай ттаъминлаш мумкинлигига оид билим, малака ва кўникумаларни ўргатмайди. Шунга кўра, ёшларда оилавий зиддиятлар, улар моҳияти, мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва уларни енгиб ўтиш малакаларига доир билимлар етарли мавжуд эмас.

Биз тадқиқотимиз доирасида ёшларда оилавий зиддиятларга доир билим, малака ва кўникумаларни шакллантиришга доир қўйидаги зиддиятларни бошқариш тартибларини таклиф этамиз.

Оилавий зиддиятларни ечимга олиб келиш учун қўйидаги амаллардан тўлиқ фойдаланиш зарур:

1. Зиддиятнинг вужудга келганини, унинг мавжудлигини тан олиш ва уни ўрганиш. Зиддиятни тан олиш зиддиятга нисбатан ташқаридан муносабат билдиришга имкон яратади. Бунинг оқибатида зиддиятга асос бўлган муаммони кўриш имконияти туғилади. Муаммони

кўришни бошлаш унинг ечимига йўналтирилган энг биринчи қадам ҳисобланади.

2. Зиддиятга тортилган оила аъзолари, бевосита зиддият иштирокчилари ҳамда зиддиятга алоқадор бўлмаган, аммо мана шу оила манфаатларини хурмат қилган инсонларнинг зиддият тўғрисидаги холис фикр мулоҳазаларини ўрганиш.

3. Зиддиятнинг асл мазмуни, нима сабабдан келиб чиқсанлигини аниқлаш. Зиддиятнинг шахслараро зиддият эканлиги ёки томонлараро зиддият эканлигини белгилаш. Шунингдек, оиласидаги осойишталикни бузишга, оиласига ўз салбий таъсирини ўтказишга, тинч ва осуда ҳаёт жараёнининг бузилишига сабаб бўлаётган одам мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш. Умуман зиддият вазиятининг субъектив ва объектив келиб чиқиш сабабларини ўрганиш. Объектив сабаблар мавжудлиги аниқланса, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш имкониятини яратади.

4. Зиддият ечимини режалаштириш, зиддият ечимини топиш бўйича турли альтернатив усуллар, йўллар ва сценарийларни ишлаб чиқиши. Зиддиятнинг қандай ривожланиб ва ўсиб бориши мумкинлигини аниқлаш. Зиддиятнинг ўсиб кетмаслиги олдини олиш чораларини кўриш.

5. Зиддият ечими жараёнига барча оила аъзоларини жалб қилишга ҳаракат қилиш. Кўпчилик ҳолларда биргалиқда зиддият мазмуни,

унинг келиб чиқиши ва унинг ечимини топиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш йўналишида ҳамкорлик ва биргаликда ишлашнинг ўзи вазиятни юмшатишига, томонлар манфаатларини уйғулаштиришига, умумий мақсадларни топишга, шунингдек уйғунлик асосида томонларни янгитдан бир-бирига яқинлаштиришига хизмат қилади.

6. Муаммони очиқ муҳокамага қўйиш, ҳар бир инсоннинг фикр ва қарашларининг самимий баён қилинишига эришиш, қарашлардаги плюрализмга эришиш, зиддият ечими бўйича хар бир томон қарашларининг ифодаланишини йўлга қўйиш оиласдаги турли кескинликлар, мавхумлик, гина-кудрат, ғийбат, хафагарчилик, фикрларнинг ичда қолиб кетиши, ғаламислик, фитна, интрига, бўхтон ва аниқ бўлмаган маълумотларни тарқалишининг олдини олади.

7. Оиласдаги диққатни зиддиятнинг мазмуни, муаммони моҳиятини англашга қаратиш ва йўналтириш яхши натижалар беради. Чунки зиддият - бу оиласвий ҳаётнинг ёки оиласдаги фаолият жараёнининг охири эмас. Оила аъзолари мазкур зиддиятдан сўнг ҳам биргаликда, ҳамкорликда ишлаши лозим. Ҳаётда эса турли зиддиятлар бўлиши мумкин. Оиласвий зиддият ҳаётнинг тугаши эмас, балки янги мазмунда оиласвий ҳаётнинг қайта тикланиши жараёнидир.

8. Шунга кўра, оиласвий зиддиятга ҳаёт жараёнини яхшилаш учун вужудга келган янги

вазият, ҳаёт даражаси ва иш унумдорлигини ошириш имконияти, инсонлараро янги муносабатларни ўрнатиш жараёни сифатида қараш ўринлидир.

9. Зиддият - оилада юзага келганда ҳам, жамоада юзага келганда ҳам, оддий ва табиий ҳаёт жараёни бўлиб қолаверади. Зиддият кўпинча оилада вужудга келган нотабиий ва низоли ҳолатнинг янги мазмунда қайта шакллантирилиши учун катта имконият беради. Зиддият келиб чиқишидан сўнг вужудга келган янги вазият айнан янги қарорлар учун йўл очиб беради. Йиғилиб қолган муаммоларни юзага чиқаради. Улар ечимини топишга бутун оила аъзоларини йўналтиради.

10. Зиддият оиладаги муаммони ёрқин ва аниқ кўриш, уни ҳис қилиш ва унинг ечимини топиш орқали, янги илғор ва тараққиёт тамойилларини белгилаб олиш учун шартшароитлар яратади. Бу ҳолат - зиддият мазмунида яширингандан унинг яратувчанлик имкониятларини кўрсатади. Агар оилада зиддиятларга нисбатан "страус" сиёсати эмас, балки бунёдкорлик сиёсати ва фалсафаси ўрнатилган бўлса, оила аъзолари ичида ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда муносабатларни аниқлаб олиш малакалари мавжуд бўлади. Бу эса ҳар қандай зиддиятли ўрин асосида ҳамкорликда қарор қабул қилиниши учун асос яратади, зиддият ечими доирасида қабул қилингандан қарорларнинг бажарилишини

таъминлаш ва зиддият вазиятини ҳамкорликда қабул қилинган ечимга олиб келиш зиддиятнинг тугаганлигини билдиради. Ҳар бир томоннинг амаллари аниқ, ўзаро мувофиқлашган, бир-бирини тўлдирган, адолатли ва оддий бўлиши тақозо этилади. Ечимни ўз вақтида топиш зиддиятнинг кучайиб кетмаслигини таъминлайди.

11. Зиддият вазият бўйича белгиланган қарор ва хуласаларнинг ўз вақтида жорий этилишини таъминлаш томонларда қониққанлик ҳиссиётини келтириб чиқаради. Аммо зиддият вазиятда бир марта қарор қабул қилиб, қарор қабул қилингандан сўнг зиддият ўз-ўзича ечилади, деб ўйлаш нотўғридир. Зиддият ечими билан алоқадор бўлган қарорларнинг амалиётда бажарилишигина зиддиятнинг ҳақиқий ечими бўла олади.

12. Оилавий мажароларда томонлардан қуйидаги амалларга риоя қилиш тақозо этилади: димоғдорлик, ўзини катта тутиш, бошқаларни беҳурмат қилишдан сақланиш; берган ваъдалар устида туриш; ўз фикрларидан ўзгача бўлган қарашларга эътибор, уларни ёқтирмаса ҳам, уларни англашга сайи-ҳаракат қилиш, бошқалар фикрини инкор этмаслик, фикр билдирган кишиларни таъқиб остига олмаслик; оила аъзолари ҳуқуқларини чеклашнинг мумкин эмаслиги; инсон нафсониятини пастга урадиган танқид билан шуғулланмаслик; оила аъзолари

орасига атайлаб ғалва ва нифоқ солиб қўйиш мумкин эмас; ходимларни гуруҳ гуруҳ қилиб, улар ўртасидаги низоларни келтириб чиқариш; мулоҳазакор, мулойим, такаллуфли, тавозели бўлиш, бироннинг дилини оғритмаслик.

Ҳар бир инсон ўз ҳаётида зиддиятларсиз яшаши мумкин эмас. Шунга қўра, ёшлар оиласвий зиддиятлар, улар моҳиятини, мазмунини, келиб чиқиш сабаблари ва уларни енгиб ўтиш малакасига эга бўлсалар, улар мустақил ҳаётда қийналмайдилар.

## **ОИЛА ФАРОВОНИЛГИ – МИЛЛИЙ ФАРОВОНИЛИК АСОСИДИР**

Ўзбек халқининг ҳаёт ва турмуш тарзи тарихи оила мустаҳкамлиги, унинг ҳар томонлама равнақи масаласининг юқори поғонада бўлганлигидан дарақ беради.

Муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда, Имом Бухорий, Шайх Нажмиддин Кубро, Ал Ҳаким Ат-Термизий сингари уламо-фузалоларимизнинг панднома ва ўгитларида, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Имом Газзолий, Рабғузий Самарқандий, Аз-Замахшарий, Алишер Навоий каби мумтоз донишманд олимлару шоирларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий меросларда оила масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Зоро, оиланинг баркамоллиги, маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксаклиги, моддий фаровонлиги, келажак авлодларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва соғломлиги, мавжуд жамият тараққиёти, тинчлиги ҳаёт фаровонлиги билан бевосита боғлиқдир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ Ватан тушунчаси, оила ва жамият, миллий мағкура тушунчалари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигига эътибор қаратиб, шундай таълим бердилар: “Юртимиздаги ҳар бир

инсон учун Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура яратса олмаймиз”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби 63-моддасида шундай дейилади: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга”. Юқорида зикр қилинган Юртбошимиз таълимоти шу моддада ўз ифодасини топганки, бу оилага бўлган миллий-маънавий, хуқуқий муносабатdir.

Оила ва унинг тақдири ҳақида қайгуриш, ғамхўрлик қилиш ўзбек халқининг азалий, муборак миллий қадрияти ва анъанасидир. Ҳукуматимиз, хуқуқий демократик жамиятимизнинг асосий диққат-эътиборини оила муаммосини миллий асосда ҳал қилишга қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълим жараёнида, ҳам тарбиявий ишларда оила ва унда тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйиш вазифаси кўрсатиб берилган. Бу ерда ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи назарда тутилади. Зеро, оила халқнинг миллий қадриятлари ва анъаналарини

давр ва замон талаблари асосида ривожлантириб, авлоддан-авлодга етказадиган, бу орада авлодлар алоқасининг узвийлигини таъминлайдиган, шунингдек, муайян жамият, ҳаёт ва турмуш талаблари ҳамда шарт-шароитларига мос баркамол инсонни тарбиялайдиган ижтимоий таълим-тарбия институтидир.

Шу институт фаолияти фаоллигини ошириш ва жадаллаштириш, бу борада тегишли зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳукуматимиз ташаббуси билан “Оила йили” (1998 йил), “Аёллар йили” (1999 йил), “Соғлом авлод йили” (2000 йил), “Она ва бола йили” (2001 йил), “Мустаҳкам оила йили” (2012 йил) каби тарихий йил-саналари эълон қилинди ва шу муносабат туфайли маҳсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Улар оиласида маънавий-ахлоқий тарбия йўриқномаси сифатида амалга оширилди.

Демак, оила пойдеворининг мустаҳкамлиги – жамият пойдевори ва биносини пухта қилиб қуришни таъминлашнинг асосий шартидир, унинг моддий ва маънавий баркамоллиги эса давлат ва жамият фаровонлигининг негизидир. Зеро, “оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир”.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг оила фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг учун оиласининг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва

барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўзида мужассам этган қуидаги йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда:

- Оилавий муносабатларнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини хуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, оналик ва болалик хуқуқларини муҳоҳофаза қилиш;
- Оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳоҳофаза қилиш ва билим даражасини ошириш учун имкониятларни яхшилаш;
- Оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оиланинг даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминлаш даражасини ошириш, рўзгор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш;
- Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Оиланинг соғлом, ақлли, заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш;

- Оила муаммоларини илми ва ижтимоий тадқиқ әтиш, оила, хотин-қизлар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини қўрсатувчи статистика ҳисботини тўплаш ва такомиллаштириш.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигининг қисқа давр ичидаги оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш, оиласининг ижтимоий-иқтисодий манбаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маший турмуш шароитини яхшилаш, оиласининг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш; кўп болали, кам таъминланган, ночор оиласарни, ногиронларни, қаровсиз кексалар, ёлғизларни ижтимоий қўллаб-куватлаш, оиласада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Республикамизда ўтказилган социологик тадқиқотлар никоҳ муносабатларининг ёш жиҳатдан бирмунча эрта бошланаётганлиги, айниқса, қизларнинг руҳий, жисмоний, жинсий, маънавий жиҳатдан оиласавий ҳаётга тайёр эмаслиги натижасида қатор салбий оқибатлар келиб чиқаётганлигини қўрсатди. Чунончи:

- Фарзанд кўриш ёши эрта бошлангани туфайли уни ўстириш ва тарбиялашнинг оғир кечиши;

- Аёл саломатлигига салбий таъсирлари;

– Қизларнинг бошқа оила тартиби ва анъаналарига қўнига олмаслиги;  
–Ажралиш ва шу кабилар.

Бундай салбий ҳолатлар ва вазиятлар оиланинг маънавий-ахлоқий, майший муҳитга ҳамда жамиятнинг маънавий-мафқуравий барқарорлигига путур етказади. Оиладаги соғлом муҳит соғлом мафқурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафқурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади. Демак, оиладаги соғлом муҳит ва унинг келажак ёшларни оилавий муҳитга тўғри тайёрлаш, уларнинг оила-никоҳ муносабатларини тиббий жиҳатдан ҳам, педагогик жиҳатдан ҳам ўз вақтида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, оиладаги соғлом муҳит, унинг мустаҳкамлиги, аҳиллиги ва фаровонлиги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнларида оила, маҳалла, тиббий муассасалар, олий ўқув юртлари ва уларнинг жамоат ташкилотлари, миллий қадрият ва халқ тарбия анъаналари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение, тарбиявий тадбирлар, фан ва илмий муассасалар ва шу каби омил ҳамда воситалар ҳамкорлигидаги педагогик фаолиятни назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш

миллий истиқлол мағкурасининг ижтимоий педагогик асосини белгилаб беради.

Хозирги даврда аёл ва эркақдан оила ва никоҳ муносабатларида юқори даражадаги ахлоқ-одоб ва психологик-педагогик тайёргарлик ҳамда турмуш маданияти талаб этилади, шунинг учун ҳам ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлашни унинг дастлабки йилларидан бошлишни тақозо этади. Шунга кўра, ёш авлодда барча фазилатларни таркиб топтириш ва бошқаларнинг асосий моҳиятини ифодалайди.

Муҳим ижтимоий институт ҳисобланган оила ёшлар маънавиятини шакллантиришда асосий таянч ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаши учун ёшларни келгуси оилавий ҳаётга тайёрлашда халқ тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда халқимиз бой меросимиздан фойдаланган ҳолда ёшларни умуминсоний, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, руҳий, физиологик-гигиеник, педагогик, эстетик, иқтисодий-хўжалик йўналишларда оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ёшлар ижтимоий ҳуқуқ ва бурчларини эгаллашлари, ўз-ўзини англашни ривожлантириш асосида касб танлашлари мумкин. Шу орқали оилавий ҳаётга тайёрланишга оид шахсий ҳаёт тарзлари ҳам

шакллана боради. Бу даврда физиологик ўзгаришлардан кўра ижтимоий ўзгаришлар кўпроқ намоён бўлади. Ёшлар тўғри касб танлаши, саломатлигини йўлга қўйиши, севги-муҳаббат туйғусини жиловлай олиши, турмуш тарзи, бўш вақтини тўғри ташкил эта олиши жуда муҳим, яъни улар келажак ҳаёт тарзини моделлаштиришлари мақсадга мувофиқдир.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлаш, оилавий ҳаёт заминида юзага келадиган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, оилаларнинг бузилишини камайтириш, уларда соғлом психологик муҳитни вужудга келтириш амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва уни мақсадга мувофиқ ташкил этиш олий таълим тизимида самарали кечади.

Ёшларнинг соғлом оилавий ҳаётга тайёр бўлишга оид эҳтиёжлари даражасини аниқлашга бўлган ўрганиш натижалари қуидаги муаммоларни ҳал этиш лозимлигини кўрсатди:

- ўзбек халқида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос анъана ва усуслари бор, мана шу анъана ва усусларни ёшларга ўргатиш, оила муқаддас даргоҳ эканигини улар онгига сингдириш зарур.

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда замон талаблари ва эҳтиёжларини хисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, аҳолининг 89,5 фоизи ёшларни оилавий ҳаётга жиддий тайёрлаш зарур, деб хисоблайди. Сўралганларнинг 60,5 фоизи мазкур вазифани таълим муассасалари зиммасига юклаш

зарурлиги ва буни махсус фан сифатида ўқитилиши лозим эканлигини таъкидлаганлар.

Шундан сўнг олий ўқув юртларида социологик тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқот ишлари тўрт йўналишда амалга оширилди:

- Оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик ҳолатини аниқлаш.

- Ёшлар ва ёш оила аъзоларининг жисмоний-гиgienик маданият даражасини ўрганиш.

- Оила маънавияти ҳолатини тадқиқ этиш.

- Оила аъзоларининг руҳий ҳолатини ўрганиш.

Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, талаба йигит-қизлар эрта никоҳга киришга кўпроқ салбий муносабат билдирганлар. Оила қуришга тайёр бўлмай, эрта никоҳга киришлари натижасида:

- Оилаларда эр-хотинларнинг ажралиб кетишлари;

- Йигитларнинг оилани юритишда ҳам моддий, ҳам маънавий имкониятга эга бўлмаганликлари;

- Оила ва фарзанд қадрига етмаётганликлари;

- Оилавий турмушда уқувсизликлари;

- Оилавий қийинчиликларга бардош бера олмаётганликлари юз бермоқда.

Шунинг учун ҳам биз ёшларни оилавий ҳаётга тайёrlашда куйидагиларга эътибор беришни назарда тутдик:

- талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мактаб, лицей ва касб-хунар коллежи, олий ўқув юртида узвийликка эътиборни қаратиш;
- йигит-қизларнинг эрта оила қуришига йўл қўймаслик;
- яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга оид барча тарғибот ишларини йўлга қўйиши;
- соғлом турмуш тарзи ва маданиятни шакллантиришга оид таълим-тарбиявий ишларни амалга ошириш, унинг моҳиятини тушунтириш;
- спорт билан кенг шуғулланишга эътиборни кучайтириш;
- оила фаровонлигини оширишда фермерлик, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;
- талаба-ёшларни замонавий касб-хунарга тайёрлаш ва бошқалар.

Иккинчи йўналиш - `ёшларнинг жисмоний-гиеник жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлигини ўрганиш эди.

Соғлом оила қуришга тайёрлашда ёшларни зарарли одатлардан сақланишга ўргатиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Саломатликнинг душманлари бўлган ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасида тарқалиб бориши, ҳатто қизларнинг ҳам бунга ўрганаётгани соғлом турмуш тарзи, соғлом оиланинг кушандасидир. Лекин, ҳозирги кунда

талаба-ёшлар ўртасида ҳам спирти ичимликлар истеъмол қилиш учраб турибди. Спиртли ичимликлар ичиш, чекиш, гиёхвандлик-жуда кўп хасталикларни келтириб чиқариши, энг ачинарлиси наслга салбий таъсир этишидир.

Тадқиқотимиз натижасида талаба ёшларнинг 31 фоизи спиртли ичимликлар ичиши аниқланди. Сурункали касалликлар билан оғриганлар эса қизлар ўртасида кўпроқ намоён бўлди.

Маълумки, йигит ва қизлар олий ўқув юртларида ҳар йили тиббий кўриқдан ўтадилар. Аён бўлишича, кўпчилик ёшлар олий ўқув юргига кириш учун тиббий маълумотномалар олиш мақсадида тиббий кўриқдан ўтганлар. Унга баъзи мактаб ўқувчилари ҳатто ўз варақасига ҳам тиббий кўриқдан ўтганлиги қайд этиб борилмаганлиги маълум бўлди. 20 фоиздан ортиқ ёшлар тиббий муассасаларга мурожаат қилмаганлар. Ҳатто оғир хасталикка чалинмаганлар, уларнинг умуман тиббий кўриқдан ўтмаганлиги маълум бўлди.

Саломатликнинг асосий мезони ҳар бир инсоннинг спорт билан шуғулланишидир. Лекин сўралган ёшларнинг спорт билан шуғулланадиганлари 31 фоизни ташкил этди. Буларнинг орасида қизлар озчилик эди. Бу борада олиб борилган ишлар натижасида қуйидаги холосаларга келдик:

– талаба-ёшларнинг тиббий саводхонлигини ривожлантириш;

- турмуш қуришда қариндош-уруғчиликка йўл қўймаслиқ;
- оилавий ҳаётда аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш;
- ўқув юртида тиббий маслаҳатхоналар, мутахассис шифокорларнинг тадбирларини комплекс ташкил этиш;
- заарали одатлардан сақланиш йўллари ва усулларининг энг мақбулларидан тарғибот ишларида фойдаланиш;
- талаба-ёшларда турмуш шароитини яхшилаш ўз соғлигига онгли муносабатни таркиб топтириш асосида даволлаш тадбирлари самарадорлигини ошириш;
- ўқув юртида ёшлар ўртасида барча муаммолар бўйича давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиш;
- сурункали касалликларнинг олдини олиш учун ўқув юрти қошидаги шифохоналарнинг талабаларни тиббий ахборот материаллари билан таъминлашга эришиши ва бошқалар.

Тадқиқотлар ҳозирги даврда оиласардаги ўзига хослик билан бирга анча-мунча психологияк муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Буларнинг ечимини топиш ҳозирги даврда энг муҳим масала бўлиб, қуйидагиларни ҳал этиш келгусидаги вазифалардан ҳисобланади:

- талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларни айнан оиласада соғлом

психологик мұхит яратиши мазмуни, шакл ва методлари билан таништириш;

- "Миллий истиқолол ғояси: асосий түшүнчә ва тамойиллар"ни ўқитиши жараёнида "Оила маънавияти"да ёшларни оиласавий ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор бериш;

- талаба ёшларни психологик саводхонлигини ошириш мақсадида уларни шахслараро муносабатлар, оиласавий ҳаёт психологиясига доир билимлар билан қуроллантириш;

- талаба-ёшлар учун олий ўқув юрти деканатлари қошида педагогик-психологик маслаҳат хоналари ташкил этиши ва унда оила, никоҳ масалаларида суҳбатлар, маслаҳатлар уюштириш;

- ҳар бир маҳалла қошида талаба-ёшлар билан ишловчи комиссиялар ташкил этиб, уларнинг оиласи ва оила қуриш арафасида никоҳ масалаларида фаоллар билан иш олиб бориш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ёшларнинг оиласавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ўрганилиб, булар ижтимоий-демографик, маънавий-маърифий, жисмоний, жинсий ва рухий йўналишларни ташкил этиши олий таълим тизимида талаба-ёшларни оиласавий ҳаётга тайёрлашнинг мұхим пойдевори ҳисобланади.

## **ЁШЛАРНИНГ Соғлом турмуш тарзи таълим САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Ёшлик даврида ҳар бир йигит-қизда ўз шахсий ҳаёт тарзи шаклланади. Бунга соғлом турмуш тарзи: кун тартиби, қизиқишиларига асосланган ҳолда бўш вақтини тақсимлаши, тенгдошлари ва бошқалар билан мулоқот меъёрларига риоя этиши кабилар киради. Бу борада уларнинг ҳаёт тарзига ота-оналарнинг эҳтиёткорлик билан аралашуви ўта муҳимдир. Чунки ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёт тарзидаги салбий иллатлар - бу ота-она томонидан ёшларнинг болалик ва ўсмирилик давридаги тарбияда содир этилган хатолардир. Лекин ёшларнинг ҳаёт тарзини катта ёшлилар ҳамма вақт ҳам оқламайди. Ёшлар эса доимо изланишда бўлиб, ҳаётдан илгарилаб кетиш каби ҳатти-ҳаракатлари билан катта ёшлилардан фарқ қиласди ва улар ўртасида доимо номутаносиблик содир бўлади.

Ота-оналар ана шу номутаносибликнинг олдини олиш учун фарзандларда, айниқса ўзидан узоқда яшаётган ўғил-қизларига уларнинг мустақил ҳаёт бошлишидан олдинроқ соғлом ҳаёт тарзини режалаштиришга ёрдам бериш зарур. Бунда ёшлар қуидагиларга эътибор беришлари муҳимдир:

- Ҳаёт тарзида ота-онаси оиласининг қайси анъаналарини давом эттириши мумкинлиги,

туар жой ва иқтисодий-маиший имкониятлари; кирим-чиқимни түғри юрита олиш ва оила даромади манбалари, уни түғри ташкил этиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиши;

- Оила маънавий-психологик муҳитини яратада олиш асосларини билиши;

- Оила маъсулияти ва вазифаларини жамият талаблари билан уйғунлаштириб олиб боришни англаб олиши ва бошқалар;

Юқоридагиларнинг ҳар бирини билиб олиш ва унга риоя қилишда ёшлар нималарга эътибор беришларини қараб чиқамиз:

Оилавий соғлом ҳаёт тарзи оила аъзоларининг турли фаолиятларини ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро муносабатлари ишончга асосланганлиги, уларга шахс сифатида эътиборнинг кучлилиги, ҳар бир оила аъзосининг ҳистайғулари, қизиқишлигини ҳурмат қилиш билан юзага чиқади. Чунки оилавий ҳаёт тарзи мазмуни оила-никоҳ масалаларида ўзаро алоқа, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг бир бутунлиги, маданият даражаси, миллати ва худудидаги ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Маълумки, ҳар бир кишининг соғлом ҳаёт тарзи ўзгармасдир, лекин унинг таркиби янги-янги белгилар, талаблар кириб қолиб баъзи жиҳатлари ўзгариб боради, янгиланади. Масалан, талабалар ётоғида асосан, ёшлар ҳаёт кечириши ва уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти таъсирида ҳаёт тарзи ҳам оиласидагидан фарқ қиласиди.

Талабалар бўш вақтининг мазмуни ва шакли уларнинг қизиқишлари асосида ўзгаради. Лекин оилада уларнинг ёзилмаган талаблари, қоидалари асосида оила аъзоларининг меҳнат қилиши ва дам олиш учун зарур имкониятлар мавжуд бўлади.

Овқатланиш тартиби, меҳнат қилиш, дам олишида барча оила аъзоларининг қизиқишлари ҳисобга олинади. Уйда бажариладиган хўжалик ишлари оқилона тақсимланади. Бунда, албатта ҳар бир оила аъзосининг қобилияти ва имкониятлари эътиборга олинади. Натижада ҳар бир болада маҳсус малака ва кўникма ҳосил бўлиб, ёшлиқда мустақил ҳаётга қадам қўйганда ўзига bemalol йўл топа олади. Социологларнинг тадқиқотларига кўра, оддий ҳаётий кўникма ва малакалар таркиб топмаган оиланинг фарзандларида ўзаро шахсий муносабатлар бузилиб, ёш оилаларга раҳна тушади. Аксинча, ҳаёт тарзи яхши йўлга қўйилган оилаларнинг фарзандлари уларга қараганда тартибли, турмуш тарзи ҳам соғлом бўлади.

Талабалар кун тартиби эса оилада ўсмир ва ўспириналарнинг кун тартибидан фарқ қиласди. Талабаларнинг асосий вақти ўқув машғулотларига сарф бўлади. Лекин асосий мақсад, ана шу ўқув машғулотларида талабанинг фаоллигини ошириш, кун тартибини тўғри ташкил этишdir. Бунинг учун талаба жисмоний тарбия машқлари, нонушта, бўш вақтини тўғри ташкил этиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш,

соғломлаштириш-спорт ишларига эътиб-орини қаратмоғи лозим.

Агар талаба болалигидан оилада ўз ота-онаси бағрида кун тартибиға қатъий риоя этса, у талабалик йилларида ҳам кун тартибини түғри тұза олади. Бунда, асосан, ўқиш машғулотларидан сүнг дам олиш ва мустақил ҳолда топшириқларни бажариш, мутолаа қилишга эътибор берилади. Лекин қолган бўш вақтини тақсимлашда санъат, спорт, китобхонлик билан шуғулланиш, маданий хордиқ чиқариш (кинотеатрларга бориш, радио, телевидение эшлиши ва қўриш) буларнинг барчаси талаба кун тартибидан ўрин олиши муҳимдир.

Талабалар ҳаёт тарзининг энг муҳим қирраларидан бирига бўш вақтни ташкил этиш шакллари ҳам киради. Вақтдан түғри фойдаланиш, аввало ҳар бир ёш, қолаверса жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини оширишнинг муҳим омилидир. Вақт иккига бўлинади: меҳнат фаолияти, яъни иш билан бандлик ва бўш вақт.

Бўш вақт талабанинг ўқув машғулотларидан озод пайтидир. Бўш вақт талаба ўзининг маданий, майший, маънавий эҳтиёжлари, қизиқишилари асосида фаолият кўрсатадиган жараёндир. Талабалар бўш вақтини ташкил этиш ҳозирги пайтда маънавият ишлари бўйича проректорлар, гуруҳ раҳбарлари, ётоқхона мутасадидларига катта маъсулият юклайди.

Демак, бўш вақтни ташкил этиш талабанинг кун тартиби билан узвий боғлиқдир. Қатъий кун тартибининг йўлга қўйилиши бекорчиликка йўл қўймайди. Талабалар бўш вақтини ташкил қилишда нималарга эътибор бериш лозим:

1. Талабаларнинг китобхонлик даражасини ошириш; уларнинг мустақил мутолаа қилишига шароит яратиш, вақтли матбуот материаллари билан таништириб бориш;
2. Эстетик маданиятни ривожлантириш (кино, театр, турли концертлар, бадиий тасвирий кўргазмалар, ҳаваскорлик тўгараклари, музейларга бориш);
3. Ўлкашуносликка оид тадбирларни ташкил этиш (ўлка бўйлаб саёҳатлар, юришлар, сайрлар ўтказиш);
4. Жисмоний чиниқишига доир тадбирлар (спорт-соғломлаштириш мусобақалари, кўрик танловлар, спартакиада, универсиада, олимпиада ва бошқалар);
5. Ақлий камолотни ривожлантиришга доир тадбирлар (фан тўгараклари, фан олимпиадалари, бирлашмалар, марказлар, ижодкорлар танловлари);
6. Миллий ва маданий-маърифий қадриятлар билан боғлиқ тадбирлар (анъаналар, удумлар, байрамлар, сайрларда қатнашиш, ҳунармандчилик билан шуғулланишва ҳоказолар).

Талабаларнинг бўш вақтини ташкил этиш уларнинг ўқиш фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Энг муҳими “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” деганларидек, қиз ёки йигит бирор ҳунар билан шуғулланиши унинг асосий касбини тўлдиради, ҳам маънавий ҳам моддий озиқ беради. Қизлар бўшвақтларида тикиш-бичиш, уй тутиш, пишириш, меҳмон кутиш, кир ювиш сирларини ўрганиши муҳим. Каштачилик, зардўзлик, дўппи, жияқ, миллий ва европа услубидаги кийим-кечакларни тикиш, тўқиши каби ҳунарларни ўрганишкелгусида оила фаровонлигини таъминлашда катта ёрдам беради.

Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларнинг индивидуал муомала меъёрларини ўзлаштириб олиши ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, инсоннинг хулқ-атвори, маънавий қиёфаси унинг мuloқot маданиятини эгаллаб олганлигига ҳам боғлиқдир.

Мuloқot кишининг ички ва ташқи оламини намоён этувчи ўзаро муносабатларининг муҳим шаклидир. Аввало талabalар жамоаси, гурӯҳи ва ўзаро бир-бирлари билан мuloқotга киришадилар. Ана шу мuloқot жараёни кейинчалик меҳнат фаолияти, шунингдек, оиласида оила аъзоларининг, қариндош-уруғлари, дўст-ўртоқлар, турли маросимлар, транспорт, жамоат жойларда мuloқotга киришганларида унинг меъёрларига риоя қилишлари лозим бўлади. Бунда, аввалимбор, миллий ва умуминсоний мuloқot қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Мuloқot меъёрлари ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадисларда ўз ифодасини топган.

Азал-азалдан ота-она муносабатларидаги сабрлилик, оилавий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, фарзандлар, қўни-қўшниларга муомаладаги одиллик, бир сўзлигидан фарзандлар андоза олган.

Мулоқот табассум билан бошланса, икки ўртада самимият пайдо бўлади. Ширинсўзлик мазмунли сухбатнинг асоси бўлади.

Талабаларнинг асосий вақти таҳсил ва бошқа жамоат ишларини бажариши билан ўтади. У дастлаб ўқитувчилари, қолаверса, тенгдошлари, маслақдошлари, раҳбарлар билан мулоқотга киришади. Талаба билан қўпол муносабатда бўлган шахс унинг қалбида оғир из қолдиради. Самимий мулоқот соғлом муҳитни пайдо қиласди. Агар унинг тескариси бўлса, оиласда ҳам, ўқув масканида ҳам носоғлом муҳит вужудга келади.

Демак, мулоқот маданиятига мулозаматли бўлиш, хушмуомалалик, жамоа орасида ўзини ахлоқ меъёрлари талабларига биноан тута билиш, одамларга нисбатан муомала маданиятига риоя қилиш, миннатдорчилик ва ташаккур изҳор эта олиш, кечирим сўрай билиш, танишиш ва сухбатлашиш малакаларига эга бўлиш, ўзганинг дардига дардкаш бўла олиш каби хислатлар киради. Бу хислатларнинг таркиб топиши оилавий ҳаётда ҳам ахлоқ қоидаларига риоя этишга олиб келади ва натижада баҳтли ҳаёт кечиришга катта ёрдам беради.

Китобхонликни болаларда кичик мактаб ёшидан ривожлантириш, улар ўртасида

узвийликни сақлашга катта эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, “бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?” деган саволномага 100 талабадан тўртдан бир қисми бўш вақтини газета ва журнал ўқиб, 18 фоиздан ортиқроғи бадиий китоблар ўқиб, фақат 8 фоизи спорт билан шуғулланиб ёки кинотеатрларга бориб ўтказишини айтди.

Оила аъзоларининг китобхонлик даражаси китоб сони билан белгиланмайди, балки ўқиган китобнинг таъсирида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар моддий-маънавий ишлаб чиқаришда мустақил ҳаётга ва маълум мутахассисликка тайёрланаётган ижтимоий гурӯҳ бўлиб, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ўзига хос хусусиятга эга. Талабалик даврида юқори малакали мутахассис, жамиятнинг етук фуқароси шаклланади, жисмоний ва ижтимоий жиҳатдан балоғатга етган шахс этиширилади.

Шунга кўра уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ўзига хос хусусият ва маъсулият касб этиб, ёшлар ҳаёт тарзи, ўз шахсий услубини таркиб топтиради. Бунда уларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, қун тартиби, қизиқишилари, шахсий мулоқот шакллари пайдо бўлади. Булар эса талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг амалиётдаги аҳволини чуқур таҳлил этиш заруратини келтириб чиқаради.

## **ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ ФАЛСАФАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Ёшлар келажагимиз, фаҳр-ифтихоримиз. Улар миллий ғуурли, инсонпарвар, мустаҳкам характерга эга бўлиши, теварак-атрофдаги барча жонзотларга эътиборли, одамларга ғамхўр, ҳамнафас бўлиши, миллий туйғу, миллий фикрли, миллий қиёфага эга бўлган ёшлар бўлишлари лозим.

Бу зарур ишда бизга ҳамкорлик педагогикаси таълимоти зарур. Ота-оналар, мактаб, лицей, коллежлар ва бошқа ўқув юртлари фаолият кўрсатаётган педагогларнинг иш услубларини ҳозирги замон талаби асосида қайта қуриш, шу вақтгача давом этиб келаётган баъзи методларни тубдан ислоҳ қилиш керак. Янги дастурлар, ўқув қўлланмалар, электрон қўлланмалар тузиш фойдалидир.

Инсоният цивилизацияси одоб-ахлоқи, дунёқараши, яшашдан мақсад нима эканлигини биладиган ёшларни тарбиялашда барча ишларни уйғунлаштиришни тақозо этмоқда.

“Бугунги ёшлар характеристида ижобий сифатлар салбийларига нисбатан кучли. Миллат тараққиётига асос солувчи кучли ўзбек характеристери бошқа миллат ва элатлардан шу жиҳатлари, яъни ўзбекона урф-одат, анъаналарга содиқлиги билан фарқланади.

Чунки бизнинг туб томирларимизнинг ўзи дунёга машҳур фозилу алломалардан иборат: Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Фаробий, Беруний, Фарғоний, Абдулла Авлонийлар қолдириб кетган бой мерос – билимлар хазинасига эгамиз.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни, авваламбор, ўзимиз учун униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир бўлган болаларимиз учун қурмоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, биз бугун ҳаётга кириб келаётган янги навқирон авлодимизга, насл-насабимиздавомчиларига қандай орзу-умид билан қараётган бўлсак, келажакда улар ҳам бизга – ўз ота-оналарига худди шундай ғурур ва ифтихор билан қарашини истаймиз, шуни ҳавас қиласиз”, деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов<sup>1</sup>.

Инсоннинг рухиятида яхшиликка интилиш, эзгу ишлар қаби ҳис-туйғулар бисёр. Айниқса, ёш қалбларда бу хислат устиворлиги ўта аҳамиятлидир. Уни руёбга чиқариш биз педагогларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун педагогик, психологик изланишлар олиб бориш, ҳар бир тарбиячи ўзининг педагогик фалсафасига эга бўлмоғи лозим.

Янги, ҳали оҳори тўкилмаган педагогик технологияни ўйлаб топиш, уни амалиётга жорий этиш керак ва зарур.

Нафсни тарбиялаш ҳақида алломаларнинг пурмаъно ўгитларига эътибор берсак:

Юсуф Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида инсон ўз нафсини тийишини уқтирган (нафс деганда Сиз фақат таомни истемол қилиш, деб тушунманг, чекиш, ичиш, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби иллатлар нафс сирасига киради) <sup>2</sup>.

“Тана-нафс мени мунча солиб қийнайди, гоҳо кулдиради, гоҳо йиғлатади.

Тана-нафс истаган куйга тушиб оламни кездиради, гоҳо оч-наҳор эзади.

“Тана-нафс жуда ярамас хилқатдир, уни ардоқлаган сайин ёвузлиги ортиб бораверади”.

Бундай жараённи енгиб ўтиш осон эмас. Бунинг учун мустаҳкам иродали бўлиш керак!

Ирода ўзгача бир фаолият бўлиб, у инсоннинг муҳим ҳусусияти ҳисобланади. Айниқса ёшлиқдан бошлаб, ирода сифатларини тарбиялаш, чиниқтириш мақсадга мувофиқдир. Иродали инсонлар аниқ мақсадли бўладилар. Шу мақсад йўлида ҳар қандай мушкулотларни енгиб бартараф қила оладилар.

У ўз-ўзига “ўқийман, ўқиганда ҳам намунали бўлиб ўқийман”, -деган гапларни такрор-такрор айтиб бош мия қобиғига буйруқ бериши лозим. Ўзи ишонч, куч қувват пайдо қила олишга қодир ва қобил бўлиши керак. Мияга берилган буйруқ, албатта, тана аъзоларини ҳаракатга келтириб,

ташқи қарама-қаршиликларни енгиб ўтишга имкон яратади.

Ички қарама-қаршилик дангасалик, уқувсизлик, чарчаш, ўзини идора қила олмаслик, сабрсизлик ва бошқа турли салбий ҳолатлардир.

Ташқи қарама-қаршиликлар эса ўқиши, меңнат жараёнидаги турли қийинчиликлардир. Тушунмовчиликлар, муаммолар, етишмовчиликлардир.

Ёшлар психологиясида бир ажиб ҳис-туйғу мавжуд. Бу севги-муҳаббатдир. Ҳали ўзини ўнглаб оила қуришга тайёр бўлмаган йигит-қиз севги хақида хаёл сурадиган, ҳис-туйғуга бериладиган бўлиб қоладилар. Ўйламай нетмай бир-бирларига кўнгил берадилар.

Натижа ҳамиша яшилик билан тугамайди афсус-надоматли ҳолатлар ёмон бўлади. Севса-ю севилмаса, бу севгидан воз кечишга ўзларида куч, қудрат топа олмай ўқишилари ўлда-жўлда бўлиб юрган ёшларга далда бериб, адашган йўлидан тўғри йўлларга солиш, биз педагогларнинг бурчимиздир.

Сайру-саёҳат туризми каби ёшлар учун қизиқ йўналишлар, тўгараклар, мушоиралар, баҳслар ташкил этиб, уларни ёмон йўллардан қайтариш чораларини кўриш ўта долзарб масаладир.

Ёшларда ҳар бир ҳатти-ҳаракатларинитонги мушоҳада қилиш рухини пайдо қилиш, улар учун маърузалар уюштириш, фалсафий мулоҳазалар юритишга чорлаш йўлларини қўллаш жоиздир.

Жумладан, Саъдий Шерозий ёшларни ҳамма нарсага бардош берадиган қилиб, меҳнатга мойил қилиб тарбиялаш лозим, деб таъкидлаган. У “Гулистон” китобининг, “Қаноатнинг фазилати баёни”, “Сукут сақлашнинг файзлари баёни”, “Тарбиянинг таъсири баёни”, “Сухбат қоидалари баёни” бобларида ўсмирлар ва катталарни ахлоқий тарбиялаш, шунингдек гигиеник ва жинсий тарбиялашга оид ибратли ҳикоялар, панд-насиҳатлар бериб, одамларни вижданли, ахлоқли, сабр-тоқатли, саҳоватли, муруватли, ватанпарвар, инсонпарвар бўлишга ундаган.<sup>1</sup>

Ўсмирларда балоғат ёшида жинсий майл пайдо бўлади. У турли кечинмалар, ҳис-туйғулар оғушида бўлиб, йигит-қизлар бир-бирларига интилади.

Йигит-қизларда бундай физиологик ва психологияк ўзгаришлар қонуний жараён бўлиб, бундай пайтларда уларни айблаш, қўрқитиш, уялтириш, ҳаяжонга соладиган ишларни қилмаслик керак.

Лекин айрим ўсмирларни ўз ҳолига қўйиб қўйилса-чи, шаҳвоний ҳис-туйғуларга берилиб, ярамас ишларга тақлид қилиб одоб, ахлоқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракат қиласидилар. Ёшларга хос ва мос бўлмаган фильмларни берилиб қўрадилар. Миллатимизга ёт бўлган шарм-ҳаёсиз фильмлар уларни тақлид қилишига сабаб бўлмоқда. Сир эмаски тунги ресторонлар, қаҳвахоналарда ёшлар йифилади. Ярим тунгача

кайфу-сафо қиласылар. Хүш, бундай жойларда бўлиш учун моддий таъминот қаердан келмоқда?

Балоғат ёшидаги ўсмирлардаги бундай кескин ўзгариш ота-она, педагогларни шошириб қўяди. Гоҳида ўсмири ўзини-ўзи бир ёқлик қилиб қўйишгача боради. Шундай ҳолатдан қўрқсан ота-оналар ўз тизгинларини бериб қўйиб, унинг домига тушиб қоладилар.

Вақтларини тежамай, ёшларига номуносиб кинофильмларни қўришга вақт топадилар. Бундай ёшларни кўпроқ спорт билан шуғулланишларини таъминлаш, теннис ўйнаш, сузиш, отда чопиш, енгил атлетика машғулотларига қатнаштириш зарур.

Элимизда хурмат-иззатга сазовор бўлган инсонлар ҳақида сұхбатлар, учрашувлар ташкил қилиб, ўсмирларга таъсир қўрсатиш фойдаидир.

## **ЧЕТ ТИЛЛАРИГА ЎҚИТИШГА ДОИР ШАРҚ ВА ҒАРБ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ТИЗИМИ**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг мазмуни инсон, унинг яшаш тарзи ва ҳаётий мезонларининг ривожлантирилишига қаратилди. Инсон омили янги қурилаётган жамиятнинг бош унсури сифатида эътироф этилди. Амалга оширилаётган таълим ислоҳотларининг мақсади ҳам ёшлар, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва салоҳиятига, уларнинг ҳар томонлама комил бўлиб шаклланиши масалаларига қаратилди. Таълимий ислоҳотлардаги мустақил йўналиш ва педагогик мақсадлардан бири бу - ёшларнинг бир ёки бир неча хорижий тилларни эгаллаган бўлишилари масаласига йўналтирилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3.3.2-бандида узлуксиз таълим тизимидағи долзарб вазифалар қаторида чет тилларни ўрганишни жорий этиш талаби ўртага қўйилади. Чет тилларини ўрганиш узлуксизлик таълим тизимидағи ислоҳотлар жараёнининг узвий таркибий қисми сифатида белгиланади. Демак, таълимнинг барча турларида чет тилини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Тил миллатни шакллантиради, тил асосида давлатлар қурилади. Тил орқали ҳар бир ҳалқнинг бош хусусиятлари, унинг бор йўғи,

унинг қалби ва қадриятлари акс этади. Шу боис, қадимий мутафаккирлар тил воситасига алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, Алишер Навоий “Тилга эътиборсиз, элга эътиборсиз” деб уқтирган бўлса, Афлотуннинг айтишига кўра, “Ҳар қандай халқнинг урф-одатларини билай десанг, аввало унинг тилини билишга урин”, деб айтган.<sup>1</sup> Шунга кўра, тил бойлиги тафаккур бойлиги, миллат ва халқ бойлиги саналган. Тил орқали турли халқларнинг тарихий, маънавий, руҳий мероси муҳофаза қилинади, сақланади ҳамда авлоддан авлодга маданий мерос сифатида ўтказилади.

Сўзлаш қобилияти турли мавжудотлар ичida айнан инсонга берилган ва инсоннинг бош бетакрор хусусиятларидан бири саналади. Шу боис, буюк бобокалонимиз мутафаккир шоир Алишер Навоий шундай деганлар:

*Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,  
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.  
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Барча динларда ўз сўзи ва ўз тилига “маҳкам” бўлиш талаб этилади. Кам сўзлаш ва кўп эшлиши қобил, маънавияти чуқур инсон хусусиятларидан эканлиги таъкидланади. Буюк шоир Саъдийнинг фикрига кўра, “Одам тилларни билиши билан

---

<sup>1</sup> Тафаккур гулшани. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. - Б. 158

*ҳайвондан устун туради, аммо тилдан ножойиз фойдаланса, ҳайвондан баттар даражага тушиб қолади".<sup>1</sup>*

Қадимдан кўп тилларни билувчи инсонлар қадрланган. Полиглотлик, яъни кўп тилларни билиш ва уларда мулоқот қила олиш ҳақида ҳам жуда ибратли сўзлар айтиб ўтилган. Буюк француз файласуфи Ф. Вольтер "Кўп тилни билиш – битта қулфга тушадиган бир неча калитга эга бўлиш деган гап", деб айтган. Бинобарин, агар инсоният мазкур афоризмда қулф ролида келса, мана шу инсониятнинг моҳияти ва унинг мазмуни, мақсадлари, орзу ўйлари, урф-одатлари, қалби ва юрагини очиб берадиган калит ролини калитлар, яъни чет тилларини билиш жараёни таъминлаб беради.

Эразм Роттердамский эса "Тил дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришнинг энг қулаи воситасидир", деб айтган. Бинобарин, чет тили орқали инсон ўзга давлат, ўзга халқ ичидан дўстлар орттиради, улар билан мулоқот олиб боришга ўрганади, ўз маданиятини янги қараш, ғоя, қадриятлар билан бойитади. Бу ўринда чет тили инсонларни, демакки маданиятларни, халқларни, уларнинг қарашлари ва фикрларини бир-бирига улаб берувчи, бир-бирига яқинлаштирувчи кўприк ролини ўйнайди. Шунга кўра ҳам, Ўзбекистонда қабул қилинган "Кадрлар

---

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004, 174.

тайёрлаш миллий дастури"нинг замонавий талабларидан бири кадрларнинг бир ёки бир неча чет тилларини әгаллаган бўлиши лозимлигидир. Шу боис ўзбек халқи "Тил билган – эл билади" деб айтади.

Д.И.Писаревнинг фикрига кўра, "Чет тилларни ўрганиш ҳар қандай шароитда ҳам ақлни пешлайди, бошқаларнинг мушоҳада оламига кириб бориш имкони ва нафосатини англатади". Чет тилларини билиш инсонга эркинлик, ўзга маданият шароитида мустақиллик ато этади. Унинг ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи ошади. Мулоқот эса ҳар вақт инсонни бойитади. У ўзгача бўлган фикр, қараш, муносабатларни ўрганади, ўзидан ва ўз маданиятидан ўзгачароқ бўлган кишиларга нисбатан толерант бўлишга ўрганади, дунё ранг-баранглигини англай бошлайди. Шу билан бирга, ўз маданияти ва урфодатларининг бетакрор эканлигини идрок эта бошлайди.

К.Г.Паустовскийнинг фикрига кўра, "Ўз тилига муносабатга қараб туриб, ҳар бир одамнинг маданий даражасинигина эмас, балки унинг фуқаролик қадр-қимматини ҳам аниқ айтиб берса бўлади".

Иоганн Гётенинг фикрига кўра эса, "Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини яхши тушунмайди". Чунки чет тилини ўрганишга қасд қилган одам, чет тилининг грамматикаси, хусусан ўзга тилнинг товуш тузилиши, яъни фонетикаси,

морфологияси, синтаксиси, шунингдек лексикологияси ва стилистикасини ўрганиши даркор бўлади. Уларни ўрганиш жараёнида эса, табий равишда ўз тилининг фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, лексикологияси ва стилистикасини қайта англаши, ўзга тил билан солишириши, ўз тилининг имкониятлари ва тузилишини қайта ўрганиши тақозо этилади. Мазкур жараёнда эса инсон ўз она тилининг имкониятлари, унинг тил бойлиги, жозибаси ва бетакрорлигини ўрганишга мажбур бўлади. Бинобарин, чет тилини ўрганиш бевосита ўз она тилини чуқурроқ ва қайта ўрганишга олиб келади.

Бинобарин қадим-қадимданоқ чет тилларни билган, уларда сўзлаша олган одамлар қадрланган, жамиятда уларга алоҳида хурмат ва эътибор билан қаралган.

Ислом динида тил ва сўзлаш имконияти Аллоҳ томонидан ўз бандасига қилинган бир ҳадя, инсонга берилган устунлик сифатида талқин қилинади. Тил инсон имкониятларини чексиз равишда ошириши тан олинади. Тил орқали турли манбаларни сақлаб муҳофаза қилиш мумкинлиги таъкидланади. Шунга кўра, “Агар сўзларнинг хотирадан чиқишидан қўрқсангиз, уларни тил билан боғлаб қўйинг” деб уқтириллади. Шу билан бирга, ислом динига тил билан боғлиқ равишда солиҳ банданинг ижобий ва салбий хусусиялари ва феъл-атвор қўринишлари кенг

тушунтирилади. Масалан, уларни антонимлар орқали баён қилиб кўрсатиш мумкин:

*Сукут – сергаплилик  
Тўғри сўз – ёлғончилик  
Ростлик – айёрлик  
Ширинсўзлик – бадсўзлилик  
Тилни тия билиш – сирни ошкора қилиш  
Забон поклиги - ғийбат  
Яхши сўз – тухмат.*

Мамлакатимизда ёшлар таълими ва тарбиясига алоҳида аҳамият берилар экан ҳамда замонавий кадрларнинг чет тилларини пухта эгаллаши лозимлиги тақозо этилар экан, Шарқ ва Ғарб алломаларининг тил ва унинг ижтимоий мавқеи, хусусан чет тиллар ҳақидаги айтган ибратли сўзларидан педагогик мақсадда фойдаланиш жуда катта самаралар бериши аниқ. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг мана шундай афоризмлари, халқ мақоллари ва маталлари ёшларни ростгўй, бағрикенг, ўз ваъдасини амалда бажарадиган, виждонли, гуноҳ ишлардан ўзини асрайдиган, ғийбат, бўхтон, тухмат каби салбий сайи-ҳаракат ҳамда амаллар мазмуни ва оқибатларини англайдиган, ўйлаб гапирадиган, ширинсўз ҳамда донолик билан тадбир кўрадиган қобил фарзандлар қилиб вояга етказишида анъанавий воситалардан бўлиб, тил борасидаги қадрияtlар билан педагогик жараённи бойитиш

ва унинг мазмунини такомиллаштириш учун хизмат қиласди.

Ҳадисларда таъкидланишига кўра, “Ростгўйликда ҳавфу ҳатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар” дейилади. Бошқа бир ҳадисда эса, “Доимо тўғри сўз бўлинглар, чунки у жаннатда яхшилик билан биргадир. Ёлғончиликдан сақланинглар, чунки у ёмонлик билан бирга дўзахда бўлади”, дейилади.

Ибн Камолпошонинг айтишича, “Ҳакимлардан бири деди:

– Қадимий ҳикматларда айтилишича, инсон ўз тузилиши ва ҳосияти билан ҳайвонлардан афзал бўлди. Унга бир оғизу, икки қулоқ ҳадя этилди. Шунинг учун у бир марта сўзламоғи ва қўп марта эшишмоғи керак!

Қанча қўп билсанг ҳам оз гапир, бироқ, Биттани юз дема, юзни битта қил”.

Юсуф Хос Ҳожибининг таъкидлашига кўра эса, “Кўпни сўзлаб киши доно бўлмайди, Кўп эшишиб, доно барчага бош бўлади”.

Шунингдек, ислом динида турли халқлар тилларини билишга, хусусан дунё тилларини ўрганишга нисбатан муқаддас муносабат шакллантирилган. Абу Муслим ва Имом Бухорийдан келтирилган ҳадисга мувофиқ, ислом динида қўлидан, ҳам тилидан бирорга зиён етказмаган инсон мўътабар ва чин мусулмон саналган.

Шу жумладан, ҳадисларда айтилишича Аллоҳ номини қайд этувчи тил, олийжаноб ва пок юрак ҳамда имонли аёлдан яхши нарса бўлмас. Бинобарин, тил воқелиги айнан Яратган номи билан ўзаро узвий боғлиқ эканлиги боис муқаддас саналиши тан олинмоқда.

Шу билан бирга ислом динида эътиқод нур билан ифода қилинади ҳамда Яратгандан мана шу имон нурини юракка қўйиш баробарида илоҳий нурни тилга ҳам жо этиш сўралади. Чунки имон юракка жо қилиниб, тил билан иқрор қилингандагина қабул қилинади.

Ҳадисларда айтилишича, инсон эътиқоди унинг қалби имонда мустаҳкам бўлмагунгача асл мустаҳкам бўлмайди. Инсон юраги эса унинг тилида имон мустаҳкам бўлмагунгача, мустаҳкам бўлмайди.

Ислом тарихида тил, тил воситасида фикрни лўнда, аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалаш, тилни булғамаслик, ёмон сўзларни оғизга олмаслик, риторика, яъни чиройли сўзлай олиш қобилияти, таъсирчан сўзлаш ва таъсирчан даъват қила олиш кабилар, яъни тил ва ундан фойдаланишга нисбатан бўлган талаблар тизими ҳар вақт тарғиб ва ташвиқ қилиб келинган.

Юсуф Хос Ҳожиб тил орқали озод қилинган ахборотга нисбатан масъулиятли бўлиш лозимлиги, айтилган сўзни маҳкам боғлаш зарурлиги, ўзгаларнинг сирларини фош қилмаслик борасида шундай дейди:

*Қизил тил сени қисқа ёшли қиласы,  
Эсон бўлай десанг, сен уни маҳкам боғла.*

Худди шундай Мажидиддин Хавофий ҳам фақат ўзгаларнинг эмас, балки шахсан ўзининг сирини ҳам ошкор қилиш кўпчилик балоларнинг асоси, уларнинг илдизи эканлигини таъкидлайди, сирни муҳр босиб, ҳеч кимга ошкор қилмаслик зарурлиги борасида шундай дейди:

*Ошкор қилиб бўлмас сирларинг бўлса,  
Дилингга жойлаю, унга муҳр бос,  
Эл оғзига тушган зиёни кўпdir,  
Икки лаб ичидан сир чиқса бехос.*

Абулбарот Қодирийнинг фикрига кўра эса, “Киши ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги керак. Буларнинг биринчиси – макру-ҳийлали аёл, иккинчиси – балоғатга етмаган бола, учинчиси – тентак, тўртинчиси – бирорга тобеъ киши, бешинчиси – синалмаган дўст”. Шунинг учун ҳадисларда “Икки кишининг бирга ўтириб қилган сұхбатидаги гаплари омонаттур. Сұхбатдошинг сирини фош қилиш ҳаромдир”, деб айтилади.<sup>1</sup>

Бинобарин, ўзбеклар миллий қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқи ва эстетикасида,

---

<sup>1</sup> Келтирилган ибратли сўзларнинг кўпчилиги қуйидаги манбаларга таянилган ҳолда келтирилди: Машриқзамин ҳикмат бўстони. – Тошкент: “Шарқ”, 1997, 396 б; Машриқзамин ҳикмат бўлстони. – Тошкент: “Шарқ”, 2008, 464 б; Тафаккур гулшани. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. -1989, 460 б.

мутафаккирлар қарашлари тизимида, шунингдек Шарқ ва Ғарб халқларининг анъаналари таркибида ўз она тилига ҳамда чет тилларини ўрганишга бўлган талаб ҳар вақт мавжуд бўлган ҳамда уларнинг таълимий, тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор билан қаралган. Мана шундай қарашлар тизимининг бугунги ёшларни ҳар томонлама камол топган, “баркамол авлод” қилиб вояга етказиш ва тарбия қилишда ўрни катта бўлиб, улар билан ёшларни таништириб бориш тақозо этилади.

Хулоса қилиб айтганда, тил маънавий мерос ҳисобланади. Ҳар бир миллат ва халқ маданий мероси аждодлар яратган бадиий тафаккур маҳсули бўлган адабий, диний, фалсафий, маърифий ва тарихий ижод намуналари тизимидан иборат бўлади. Мазкур тизим эса айнан тил орқали ўзини намоён қиласди. Маданий-маърифий мерос халқнинг бадиий тафаккурини шакллантиришда, унинг ўзига хосликлари ва қадриятларини белгилашда муҳим ўрин тутади. Демак, маданий-маърифий мерос тилдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Тил халқнинг маънавий-маърифий меросини юзага чиқарувчи ва аждодларга сақлаб етказиб берувчи бош восита ҳисобланади.

## ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ДОИР ТАРИХИЙ- ПЕДАГОГИК АНЪАНАЛАР ТАҲЛИЛИ

Башарият тарихида “Тил қачон ва қай тарзда вужудга келган?” деган савол кўпчилик олимларни қизиқтиради ва ўта долзарб саналади. Бироқ илм ҳали ҳануз мазкур саволга аниқ жавоб топгани йўқ. Баъзи олимлар энг қадимги одамлардан *Homo habilis* бундан 2,5 миллион йил аввал ўз тилида ўзаро сўзлашган деб таъкидлайдилар. Бошқалар эса, фақатгина *Homo erectus* даврида, яъни бундан 1, 8 миллион йил аввал тил келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Бироқ бугунги тушунчадаги тил воқелиги бундан 100 минг йил аввал юқори палеолит даврида юзага келган деган фикр тўғрироқ саналади.

Бугунги кунда тил борасидаги илмий қарашлар ичida пратил, яъни энг қадимий бўлган “Она тил” ҳақидаги фикр кенг тарқалмоқда. Унга кўра, барча тилларнинг бош асоси бир бўлган, мана шу асосга таяниб дунё тиллари вужудга келган ва тарқала бошлаган. Шунинг учун замонавий тиллар ичida ўзаро бир бирига ўхшаш тиллар мавжуд. Баъзи сўзлар ўзагидаги бир хиллик мавжудлиги ҳам мана шу гипотезани тасдиқлаб беради.

Бироқ бошқа фикр ҳам мавжуд. Яъни тиллар келиб чиқишида аввали боши бир неча тил турлари мавжуд бўлган. Шунинг учун бугунги

кунда инсоният юзлаб тилларга эга. Бугунги кунда дунё миқёсида етти мингдан ортиқ тил мавжудлиги тан олинган. Уларнинг ичида кундан-кун ривожланиб, ўсиб бораётган ва кенг тарқалаётган тиллар қаторида, ривожи суст, унда гапирадиган аҳоли сони камайиб бораётган ва йўқолиб бораётган тиллар ҳам мавжуд. Шунинг учун “тирик тил” ва “ўлик тил” тушунчалари амал қиласиди. Замонавий тиллар таркибида 400дан ортиқ кичик тиллар аста-секин замонавий истеъмолдан чиқиб, йўқолиб бораётган тиллар қаторига қўшилади.

Тил ҳар вақт инсон билан бирга келади. Бинобарин, тил мавжуд бўлиши учун унда сўзлашаётган одамлар ва халқлар бўлиши лозим. Агар маълум бир тилда сўзлашаётган сўнгги инсон бўлса, унинг вафоти билан, мана шу тил воқелиги ҳам йўқолади. Шунга кўра, халқлар мавжудлиги, уларнинг маданияти, тарихи, таълими, турли соҳаларининг мавжудлиги тил мавжудлиги билан бевосита алоқадорликда ривожланади. Шу билан бирга, тил мавжуд бўлиши учун унинг алифбоси, яъни тилни мустаҳкамлаб берувчи бошқа бирор восита, яъни ёзув мавжуд бўлиши зарур. Алифбоси мавжуд бўлган тиллар узоқ яшай оладиган тиллар қаторига қўшилади.

Тиллар дунё халқлари ичида мутаносиб тарқалмаган. Масалан, дунё халқларининг 80 %

етти мингдан зиёд тиллардан фақат 80 таси орқали мулоқот олиб боради. Бирор бир тилда қанчалик кўп одам сўзлашса, мана шу тилнинг умрбоқийлиги кучайиб боради.

Тилнинг тарқалиши ва умрбоқийлигига бугунги таҳдидлардан глобализация ва меҳнат миграциясини айтиб ўтиш жойиз. Ўз юрти, киндик қони тўкилган юртни ташлаб, ўзга юртларга кетган одамлар орасида иккинчи авлоддан бошлаб ўз она тилини унтиш, ёки уни умуман билмаслик ҳолатлари кучайиб боради.

Бироқ тил ҳодисаси фақат мулоқот воситаси эмас, балки шу билан барга маданият, қадриятлар тизими, ахлоқ, тарбия, ментал хусусият билан ўзаро чатишиб кетган ҳодиса ҳисобланади. Шу боис, ўз тилини унуган инсон табиий равишда ўз миллий маданияти, ахлоқи ва менталлигидан узоқлашиб боради. Шунга кўра, башоратчи олимларнинг фикрига кўра, айнан бугунги кундаги амалиётдан мавжуд бўлган тиллардан teng ярми XXI асрнинг сўнгида амалиётдан чиқиб кетади ва йўқотилади. Чунки мана шу тилда сўзлашувчи инсонлар бошқа тил воситасида мулоқот қилишга ўтади ва ўз тилининг йўқолиб бориши учун хизмат қиласи. Бунда икки тил муносабатларида кучли тилнинг кучсиз тил имкониятларини ўз домига тортиб кетиши ҳолати кузатилади. Кучли тил бошқа тилни мулоқот доирасидан сиқиб чиқариб юборади.

Агар миллий тилда янги туғилиб, ўсиб бораётган болаларнинг 70 % сўзлашмаса, уни ўрганмаса, мазкур тил аста-секин ўз имкониятларини йўқотиб, йўқотилаётган тиллар қаторидан ўрин олади.

Масалан, Европа қитъасида 50га яқин кичик тиллар йўқолиб бораётган тиллар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, Африка, Австралия, Ҳинди-хитой ярим ороли, Америка қитъасидаги кичик қабилалар тиллари мана шундай йўқолиб боришга маҳкум тиллар сифатида баҳоланади. Бинобарин, тил умрбоқийлигига ўз таъсирини ўтказувчи бош омил мана шу тилда ўсиб бораётган ёш авлод, яъни болаларнинг 70 % сўзлашиши саналади.

Тил ҳодисасида ўлик тил бўлатуриб, жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, сақланиб қолган тиллар ҳам мавжуд. Бундай тиллар сирасига Ватиканнинг мулоқот тили саналган қадимги лотин тилини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қадимги лотин тили ўлик тил ҳисобланади, бироқ диний тил сифатида то шу бугун ҳам кенг кўлланилади.

Тиллар ичida инглиз, хитой, рус, араб тиллари жуда кенг тарқалган, жуда кўп аҳоли сўзлашувчи тиллардандир. Шунга кўра, бугунги кунда БМТ таркибидағи ўзаро миллатлараро

мулоқот тиллари сифатида инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тиллари қабул қилинган.<sup>1</sup>

Дунё халқлари турли ва ранг-баранг тилларда гапиради. Дунё бўйича тиллар сони қанча деган саволга аниқ жавоб йўқ бўлиб, бу ҳолат турли шева ва қабилалар тилларининг ҳам мавжудлиги билан боғлиқ. Аслида эса, дунё бўйича етти мингдан ортиқ тил ҳамда шевалар бор деган маълумотлар мавжуд. Улардан фақатгина беш юздан ортиқ тиллар ўрганилган холос. Дунё тилларидан фақат қирқтаси грамматик ва лингвистик жиҳатдан ўрганилган тиллар қаторига қўшилади. Шу билан бирга, дунё тилларининг ҳар учтасидан биттаси йўқолиб бориш хавфи мавжуд тиллардан саналади. Глобализация шарт-шароитлари ҳам тиллар мавқеи ва холатига ўз салбий ва ижобий таъсирини ўтказиб келади.

Тил бойлиги ундаги синоним, омоним, антоним, турғун иборалардан саналган фразеологизмларнинг қўплиги ҳамда уларнинг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. Бир сўзнинг серқирра маънодорлигининг мавжудлиги, ёки унинг қўпмаънодорликни ўзига қабул қила олиш хусусияти мана шу тилнинг бойлиги саналади. Ўзбек тили ҳам мана шундай маъно серқирралиги мавжуд тиллардан саналади. Масалан, ўзбек

---

<sup>1</sup> "http://www.e-novosti.info/blog/13.06.2003/1". Associated Press, 08.06.2003

тилида тил бойлиги ва унинг маъно серқирралиги сўзлар ёрдамида янги маъноларнинг тузилишида намоён бўлади. Масалан:

- *Кўзи очилди* = мавҳум бир нарсани англади, тушунди
- *Фикри очилди* = тушунмаётган нарсани тушуниб етди
- *Чиройи очилди* = жаҳлдан тушди, ёмон кайфият тарқалди, ёки яширин гўзаллиги очиқ намоён бўлди
- *Хусни очилди* = янада гўзал бўлиб кетди
- *Чеҳраси очилди* = тушкунликдан қутилди, кайфияти яхшиланди
- *Дили очилди* = кўнгли таскин топди, тинчланди
- *Гуллар очилди* = гуллар очилди
- *Жағи очилди* = жаҳл билан кўп гапириш ҳолати вужудга келди, тўхтамай гапириш
- *Бети очилди* = жуда ҳам эркин бўлиб кетиш, ўзини жуда ҳам эркин тутиш, ахлоқ нормаларидан чиқиб кетиш
- *Юраги очилди* = дарди-ҳасрат қилиш, дилини қийнаган нарсаларни очиб, маълум қилиш
- *Оғзи очилди* = бирор-бир нарса ёки ҳодисадан кучли таажжубга тушиб қолмоқ, ҳайрон қолмоқ

Инглиз тилининг лексикаси ўзига хос бўлиб, унинг тузилиши ва таркиби жуда бой ва ранг-

барангдир. Инглиз тилининг бетакрор хусусиятларидан бири - инглиз идиомалари ҳисобланади. Мазкур специфика идиомаларнинг инглиз тили бойлиги, сержилолиги, сермаънолиги, идиомаларнинг тил лексикаси ва семантикасида тутган ўрни билан белгиланади. Шу боис, инглиз тили «идиоматик тил» сифатида «ном чиқарган» тиллардан ҳисобланади. Чунки инглиз тили турли идиоматик иборалар, жумлалар, мақол ва маталлар, афоризмлар билан тўлиб-тошган тиллардандир. Масалан,

№	Инглиз тилидаги идиома	Сўзлар бирлиги мазмуни	Идиома мазмуни
1	<b>Not for all the tea in China</b>	Ҳеч бир нарсага – ҳатто Хитойнинг чойига ҳам	<i>Ҳеч бир нарсага сотилмайдиган, ҳеч бир нарсага алмаштирилмайдиган</i>
2	<b>No way, Jose!</b>	Йўл йўқ, Жоуз!	<i>Ҳеч қачон!</i>
3	<b>Bob's your uncle</b>	Боб, сенинг амакинг	<i>Ҳаммаси зўр бўлади!</i>
4	<b>Make a bee-line for</b>	Асалари йўлини шакллантириш	<i>Тўғри йўлдан кетиш</i>

Сўзлар кўпмаънодорлигига ўхшаш лингвистика кўпчилик хорижий тилларга хос бўлган хусусият бўлиб, масалан мана шундай

лингвистик воқелик инглиз тилида ҳам мавжуд.  
Масалан:

- *take a look at* - қарамоқ;
- *take a task* – истеъмолга олмоқ;
- *take away* – қайтариб олмоқ;
- *take back* – қайтариб бермоқ;
- *take care of* – жонкуярлик қилмоқ, кимгадир (масалан касал одамга) қарамоқ;
- *take down* – демонтаж қилмоқ;
- *take off* – олмоқ;
- *take out* – расмийлаштирумок, хужжатлаштирумок;
- *take over* – ошириб юбормоқ;
- *take the time* – вақт топмоқ;
- *take up* – қабул қилмоқ.

Тилшунослик фанидан маълумки, қайси тилда «синоним» - «маънодош» сўзлар кўп бўлса, ўша тил энг бой тил ҳисобланади. Шунингдек, қайси тилда «омоним» - «шаклдош» сўзлар кўп учраса, демак ўша тил энг камбағал тиллар сирасига мансуб дея юритилади. Масалан, шимолий қутбда яшайдиган эскимос қабиласига мансуб миллат тилида «қор» сўзининг йигирма хил синоними мавжуд бўлса, араб тилида «чўл» сўзининг юздан ортиқ варианти бор. Синоним сўзлар аслида араб тилида энг кўп учрайди. Гвинеядаги маҳаллий Таки тилида бор йўғи 340 та сўз бор. Янги Гвинеяда атиги 4 миллион ахоли истиқомат қилса-да, улар 800 тилда суҳбатлашишади.

Айни вақтда инглиз, рус, немис, араб ва испан тилларида сўзлашаётган инсонларнинг сони энг кўп ҳисобланади. Дунёдаги энг кам одам гаплашадиган тил бу - бикъя тилидир. Бу тил фақатгина Африка қитъасининг Камерун ва Нигерия давлатлари ўртасидаги қишлоқда яшайдиган 87 ёшли мўътабар ёшли қарияга тегишли. Сусами тилида эса Мировия вилоятида истиқомат қиласидиган икки оила аъзоларигина бир-бири билан ҳол-аҳвол сўрашади, холос. Латвияда эса яна шундай тил борки, уни фақат 200 киши тушунади. Бу - ливонь тилидир.

Үлиқ тиллардан бири бу - Ҳиндистондаги қадимий санскрит тили бўлса, иккинчиси лотин тили ҳисобланади. Дунё бўйича энг кўп тарқалган ва энг кўп одам сўзлашувчи тил бу - испан тилидир. Масалан, Америка Кўшма Штатларининг 50 та штатидан 23 тасида айнан испан тили давлат тили ҳисобланади.

Бизнинг заминимизда тиллар, хусусан чет тилларига бўлган қизиқиш ва уларни ўзлаштириш анъанаси қадим-қадимдан мавжуд бўлган. Бизнинг лисоний анъаналаримиз ичida зуллисонайнлик, яъни билингвизм ҳодиса қадимги давлардан бери мавжуд бўлиб, ҳозирда ҳам учраб турадиган лингвистик анъана саналади. Масалан, агар Тошкент шаҳрида кўпроқ ўзбек ва рус тилларини мукаммал биладиган ва уларни teng равища ўз ҳаётида қўллайдиган инсонлар сони талайгина бўлса, Самарқанд, Бухоро

шаҳарлари ҳамда Сурҳон ва Қашқадарё воҳасидаги баъзи манзилларда ўзбек ва тожик тилларини teng равишда биладиган одамлар сони анчагинани ташкил қиласиди. Уларнинг барчаси айнан билингвистлар қаторидан ўрин олади.

Мовароуннаҳр ўлкаси ислом тарихида илмий-маданий марказ сифатида эътироф этилган қадимий ўлкалардан бири бўлган. Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хоразм, Фарғона ва Шош каби қадимий шаҳарлар бутун жаҳон тамаддуни ривожига хизмат қиласиди буюк муҳаддис ва фикъшунос олимларни вояга етказган илм маскани сифатида ном қозонган. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, «*Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий қувилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга қўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишилади*».<sup>1</sup>

Агар бизнинг лингвистик тарихимизга назар соладиган бўлсак, зуллисонайнилик, яъни икки ва ундан ортиқ тилни билишлик ислом маданияти энг гуркираган даврда одатий ҳол эканлигига

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.

шоҳид бўламиз. Ўзбекистоннинг алломалар юрти эканлигини бугунги қунда барча билади ва бутун дунё тараққий парвар аҳли тан олади. Қадимий цивилизация ўчоқлари сифатида юртимизнинг Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хоразм, Фарғона, Шош каби даҳалари жаҳон бўйлаб машхурлик касб этган. Бизнинг аждодларимиздан ўқимишли инсонлар таркибида ўзбек, форс (тожик), араб тилларини мукаммал билиб, уларни ўз ижодлари ва фаолиятларида фойдаланган мутафаккирларимиз талай топилади.

Айнан араблар томонидан Мовароуннаҳрнинг босиб олиниши ва ислом динининг мана шу худудда кенг тарқалиши оқибатида иккитиллилик ва учтиллилик ҳодисаси вужудга келади. Мана шу лингвистик вазият борасида дунё цивилизациясига жуда катта ҳисса қўшган муҳаддис ва фиқҳшунос олимларимиздан Имом Ал-Бухорий (810-870), Ҳаким Ат-Термизий (750/760-869), Аз-Замахшарий (1075-1144), Имом Ал-Мотурудий (870-975), Бурхониддин Марғиноний (1116-1197); дунёга машхур энциклопедист олимлардан - Ал-Беруний (973-1048), Аҳмад Ал-Фарғоний (пр.797-865), Мусо Ал-Хоразмий (783-850), Ибн Сино (980-1037), Абу Наср Фаробий (873-950), Улуғбек (1394-1449), Али Қушчи (вафоти - 1474)<sup>1</sup>; мутасаввуфлардан Аҳмад

---

<sup>1</sup> Маънавият юлдузлари. -Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 2001, 408 б; Ислом энциклопедияси. -Т.: 2004; Ўзбекисон миллий энциклопедияси. -Т., барча жилдлари; Ҳожи

Яссавий (пр. 1050-1166/7), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Юсуф Ҳамадоний (1048-1140), Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувоний (вафот йили - 1220), Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Сўфи Оллоёр (1644-1721) ва бошқаларнинг ижод намуналарини келтириш мумкин.

Масалан, буюк олим, ислом оламининг муҳаддиси ва уламоси Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, араб тилини мукаммал билиб, араб тили грамматикасининг илк муаллифларидан Замахшарий, энциклопедист олимлардан Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Али Қушчи, Улугбек кабилар ўз она тили баробарида, араб ва форс тилларини ҳам жуда чуқур билганликлари ҳеч кимга сир эмас. Ўрта асрлардаги кўпчилик алломаларимиз ўз асарларини айнан араб тилида ёзганлар.

Шу даврда араб тили – илмий тил, форс тили эса – поэзия тили саналган. Бизнинг тарихимиизда, бизнинг аждодлар ичida икки тилда эркин ижод қилганлар ҳам талайгина. Масалан, Алишер Навоий мазкур тахаллус билан туркий тилда ижод қилган бўлса, Фоний тахаллуси билан форс тилида ижод қилган. Жуда кўп аждодларимиз зуллисонайн, яъни билингвист бўлишган. Бинобарин, бизнинг маданий ареолимиз учун ўз

---

Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Марказий Осиёда ислом маданияти. -Т.:Шарқ. 2006; Буюк алломаларимиз // Тахрир ҳайъати: Ҳ.С. Кароматов, З. Ҳуснитдинов, А.Мансуров ва бошқ.; масъул муҳаррир: З. Исломов. - Т.: Тошкент ислом университети, 2002. 57 б.

она тили баробарида чет тилларини мукаммал билиш, уларда ўз асарларини яратиш одатий ҳоллардан бири бўлиб келган.

Бу эса, ўз ўрнида ўзлигимизни англаш, миллатимиз ва халқимиз тарихини қайта тиклаш, ўз миллий шажарамизни яхшироқ билиш ишига хизмат қиласди. Биз яна бир бор кимларнинг фарзандлари эканлигимизни бутун вужудимиз билан ҳис этамиз, қалбан идрок этамиз, тафаккурла англаймиз ва ўзимизнинг буюк тарихимиздан ғуурлана бошлаймиз. Биз, бугунги авлод, мана шундай ғууррга ҳақли эканлигимизни тан оламиз, чунки исботланган тарихий маълумотлар бунга гувоҳлик беради, бунинг учун асос бўлиб хизмат қиласди, миллий ғуур учун замин яратади.

Табиий равища мана шундай икки тиллилик (билингвизм), уч тиллилик (трилингвизм) ва кўптиллик (полиглотлик) вазияти мазкур тилларни ўзаро муқояса қилиш, уларнинг лексик қатламларини қиёсий-солиштирма тарзда ўрганиш учун асос яратиб берган. Ўрта асрларда бир неча мана шундай лексик солиштирма луғатлар яратилган.

Энг биринчи арабча-ўзбекча луғат Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Асос ул-балоға” ва “Муқаддамат ул-адаб” луғатлари ҳисобланади. Умуман олганда Замахшарий араб тилининг балимдони саналган. У араб тили грамматикасини мукаммал равища ишлаб чиқсан олимлардан бири бўлган. Унинг

араб тили грамматикасига бағишланган асари “Ал-Муфассал” номи билан машхур бўлган. Шу боис, арабларнинг ўзи “Мана шу турк бизга ўз тилимизни ўргатиб қўйди” деб айтишган. Бундан ташқари унинг қаламига мансуб мантиқ, география, фалсафа, адабиёт, тарих ва таълим масалаларига бағишланган 50 дан ортиқ асрлари мавжуд бўлган.<sup>1</sup> Унга берилган юксак номлар ичida “Жоруллоҳ”, яъни “Яратган қўшниси” номи, “Бутун дунё аҳлиниңг устози” номи, “Хоразмнинг ғурури” номлари мавжуд.

Айнан мана шу даврда ўзбек тилига жуда кўп арабизмлар кириб келади ва арабий лексемалар асл туркий сўзлар ўрнини эгаллади. Шу даврда “идиш” маъносидаги “аяқ”, “кўп” маъносидаги “асру”, “отбоқар” маъносидаги “ахтачи” каби сўзлар архаизмларга айланади. Шу билан бирга фаол лексиконда аброр, авлиё, аглаҳ, бўҳтон, абадий, бадъят, дин, эътиқод, ворис каби юзлаб сўзлар кириб келади.

Маълумки, дунёдаги барча тиллар ўзаро бирбири билан мулоқот контактида, яъни лингвистик контактда камол топади ва ривожланади. Дунёдаги бирор бир тил лингвистик ва лексикологик контактдан ташқарида ривожлана олмайди. Тил контакти - тил ривожи учун табиий ўсиш муҳити ҳисобланади. Мана шу муҳит ичida тил эволюцияси ва трансформацияси, яъни тил

---

<sup>1</sup> Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар. (XIX-XX асрлар). -Т.: 320 б

и чидағи ўзгаришлар юз беради. Шу боис, бирон бир тил бошқа тиллардан айри ҳолда ривожланади деб таъкидлаш ноўрин ҳисобланади.

Замонавий лингвистик жараёнлар - дунё бўйича маълум бир лингвистик қонуниятлар ва атамаларнинг осонлик билан бир тилдан иккинчи тилга ўтаётганлиги, бу жараёнлар дунёнинг қарийб барча тилларини қамраб олганлиги, лексик ва семантик бирликларнинг ўтиши эса табиий жараёнга айланиб бораётганлиги билан белгиланади. Бунинг асосида эса глобализация, технизация, индустрелизация ва модернизация жараёнлари ётади. Дунё бўйича иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётнинг глобал ўзаро яқинлашуви табиий ҳолга айланиб бормоқда. Интернет, ахборотларнинг жуда тез алмашинуви, дунё бўйича ягона ахборот муҳитининг юзага келганлиги каби хусусиятлар тиллар ва тил орқали маданиятлар ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боис, тил миграцияси маълум бир семантик, фонетик, морфологик, лингвистик формаларнинг бир тилдан иккинчисига умумбашарий лингвистик муҳит ичida ўзаро ўтувчанлиги ва сезирлигини кўрсатмоқда.

Дунё тиллари, улар фаолият олиб бораётган дунё ўзгаришларига, яъни ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий, антропологик муҳит ўзгаришларига ўз мойиллигини кўрсатмоқда. Мана шундай ижтимоий ўзгаришлар ва глобализация миллий тилларнинг ўзи ҳам

ўзгариб боришига имкон яратмоқда. Ҳозирда барча тилларда лексикологик ҳамда семантик трансформациялар ўзини ёрқин намоён қилмоқда.

Яъни дунё миқёсида тил контактлари лингвистикадаги энг муҳим ва доминант хусусиятга айланмоқда. Бу жараён турли тиллардаги сўнгги ўн йилликлар ичida кенг тарқалган баъзи семантик бирликлар, лексик формалар орқали ҳам тасдиқланади. Масалан, айнан сўнгги ўн йилликлар ичida бутун дунё тиллари фаол ҳолда қабул қилган ва ўз лексикасига киритган сўзлардан гугл, виндовс, ворд, интернет, “сичқон”, файл, электрон хотира, электрон почта, дискета, флэшка, википедиа, “синфдошлар”, CD, интернет форум, сайт, ворд, винчестер, трансфер, тендер, гендер, аудитор, консалтинг, фьючерс, омбудсман, саммит, билль, эмансиپация, аудит, трафик, лизинг, эмбарго, менеджер, маркетинг, санация, принтер, мультимедиа, пейджер, бизнес кабилар бунинг ёрқин мисоли ҳисобланади. Шундай қилиб, тил контактлари сўнгги йилларда тезлик ва ўзига хослик билан ривожланиб бормоқда.

Маълумки, миллий тиллар бугунги кунда мана шундай таъсир ва акс-таъсирлар шароитида яшамоқда, лингвистик контактлар бугунги даврда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки тил жонли, эволюцион ривождаги, ўз ўзини регенерация қилувчи организм ҳисобланади. Бугунги кунда тиллар такомилига на фақат ички таъсирлар,

балки ташқи таъсирларнинг кучи ҳам ўзига хос ҳисобланади. Глобализация, ахборот технологияларининг ривожи, уларнинг инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши, яқиндан бўлган маданий ҳамкорлик ва айирбошлаш, маданиятларнинг ўзаро таъсири ва акс-таъсири, мономаданий бирликларнинг вужудга келиши тилларнинг лексик қатламлари, тиллар такомилига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ижтимоий жиҳатдан тиллар контактида бир тил юқори мавқега, бошқа бир тил эса қуий мавқега эга бўлади. Юқори мавқега эга бўлган тил қуий мавқедаги тилга жуда катта таъсир ўтказиши, ёки қуий мавқедаги тилни батамом муомаладан сиқиб чиқариши мумкин. Дунё миқёсида инглиз, араб, испан тиллари ана шундай жуда юқори мавқега эга бўлган тиллардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан лексика тил контактларига энг мойил лингвистик қатлам ҳисобланади.

Мана шундай ҳолни на фақат ахборот технологияларига нисбатан, балки ўзаро маданий алоқалар, мана шу маданий алоқалар орқали вужудга келган янги ибора ва лексик қатламларга нисбатан ҳам кузатса бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ҳинд маданиятининг дунё маданиятига, дунёнинг барча қитъаларига бўлган таъсирини ҳамда мана шу таъсир орқали Ҳинди斯顿 тилларининг барча дунё тилларига таъсирини ўзига хос лингвистик

контактлар натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир. Худди шундай лингвистик ҳамда маданий контакт асосида бошқа тилларга, хусусан ўзбек тилига ўтган сўзлардан *йога, карри, кришна, карма, индуизм, сари, холи* каби сўзларни қайд этиш мумкин. Бугунги кунда карма, йога ва вегетариантлик борасидаги ғоялар бутун дунёга ёйилган. Шу билан бирга Ҳиндистон динларидан бўлган индуизм, буддизм, сикхизм ва джайнизм кабилар ҳам дунё миқёсида тарқалган.

Эътироф этиш керакки, дунёдаги 200 та тил бугунда давлат тили мақомига эришган бўлиб, шулар орасида ўзбек тили ҳам бор. Ўзбек тилига давлат тили мақоми мустақиллик остонасида берилди. Олий Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди. Мазкур гуруҳ тил мақоми бўйича кенг аҳоли қатламлари орасида фикрларни ўрганди. Она тилимиз-ўзбек тилига 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилди. Шунингдек, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг яратилиши уни амалиётга тадбиқ этилиши ҳам шу ишларнинг узвий давоми бўлди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Конституциясида давлат тили мақоми ҳам кафолатлаб берилди.

Ўзбекистонда амал қилаётган тил тўғрисидаги қонунчиликнинг ўзига хос аҳамиятли томони шундаки, унда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва

миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди.<sup>1</sup>

Эрамиздан аввалги даврда бизнинг худудимизда зардўштийлик дини юзага келган. Эрамизнинг илк йиллариданоқ бизнинг худудимизга иудаизм, христиан дини, сўнг ислом дини кириб келган. Яъни, қадимги даврлардан бошлабоқ заминимиз турли маданиятлар, урфодатлар, кўптиллилик ва толерант тафаккур маскани сифатида камол топган. Шу билан бирга қадимги юртимиз маданияти ўз таъсирини бошқа давлатларга ҳар вақт ўтказиб келган. Мана шу даврларда бизнинг худудимиздаги мавжуд тилларнинг ўзга хорижий тиллар билан бўлган илк лингвистик контакtlари бошланган.

Масалан, Ўрта Осиё худудини олсак, Абу Райхон Беруний ўзининг Ҳиндистон сафари асосида “Ҳиндистон” асарини ёзди. Унда Ҳиндистон тилларига ва мазкур тилларнинг мавқеига оид ўз қарашлари билан ўртоқлашади. Беруний Ҳиндистон ландшафти, географияси, зоологияси, этнографияси бўйича жуда катта ва қимматли маълумотларни келтиради, уларнинг ичida лингвистик ахборотлар бугунги давримиз учун жуда катта аҳамият касб этади. Чунки Ҳиндистонда 30 дан ортиқ турли тилларда

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. // <http://e-adabiyot.uz/jahon/183-yuksak-manaviyat-engilmas-kuch.html>

сўзлашилади ва Ҳиндистон диалектларининг сони 2000 дан ортади. Шу боис, Ҳиндистонни юзлаб ранг-баранг тиллар макони, турли-туман тиллар ватани деб аталади. Ҳиндистон тилларга бой ва ўз тил бойлиги, ўз лингвистик илми тарихига эга бўлган давлат сифатида тан олинади. Бундан ташқари Ҳиндистоннинг турли штатларида маҳаллий ҳокимииятлар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган 22 турли расмий лаҳжа тиллар (*scheduled languages*) тан олинган. Демак, Ҳиндистон тиллари деган тушунчанинг ўзи жуда бой ва серқирра бўлиб, унинг турли ижтимоий, сиёсий, функционал, тарихий, лингвистик ва лексикологик аспектлари мавжуд. Демак, бизнинг юртимиздаги миллий маданиятнинг ўзга халқлар маданиятлари билан алоқалари қадимдан ривожланиб келган.

Шундай қилиб, биринчидан, Ўзбекистонда айнан мустақиллик йилларида чет тилларига ўқитиш тизими фаолияти, методлари, тамойиллари қайта қўриб чиқилди ҳамда давлат аҳамиятига молик вазифалар қаторидан ўрин олди. Иккинчидан, чет тилларига ўқитиш анъанаси ва қадриятлари бизнинг халқимизнинг миллий-ментал хусусиятларидан бўлиб келганлиги боис, бугунги авлодлар тафаккурида ҳам замонавий тилларни ўрганишга бўлган табиий қизиқиш жуда кучлиdir.

## **ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

Тил ёрдамида инсоният ўзининг адабий, диний, фалсафий, маърифий соҳалардаги қадриятлари, асарлари, меросини яратган. Шу билан бирга айнан тил воситасида инсон фаолиятининг турли йўналишларига тааллуқли мерос яратилган. Тил башарият маънавиймаданий меросининг бош воситасидир. Тил орқали инсоният миллий-маънавий ҳамда маданий мероси ва қадриятлари намоён бўлади. Шу билан бирга, айнан тил воситасида миллийлик қирралари, унинг хусусиятлари, миллийлик тизими шакллантирилади. Бинобарин, тилдан ташқарида на маданият, на халқ, на маънавият, на тарих мавжуд бўла олмайди. Уларнинг барчаси тил воситасида амал қиласи.

Ўзбекистонда тилларга бўлган муносабат ўзининг икки ўзаро боғлиқ, шу билан бирга ўзига хос хусусиятлари орқали намоён бўлади. Булар:

а) ўз она тилига бўлган миллий ўзликни англаш ҳамда миллат маънавияти ва генофондини асраш, миллий манфаатларни муҳофаза қилиш асоси сифатидаги эъзозли ва қадрли муносабат;

б) хорижий, яъни чет тилларига нисбатан миллий анъаналар ва инсоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда мавқеини

таъминловчи ва кўтарувчи манба сифатидаги хурматли муносабат.

Бизнинг юртимиизда қўптиллилик, ёки полиглотлик ҳодисаси қадимдан мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда кўпчилик дунё тилларини ўрганишга яратилган ижтимоий-таълимий шартшароитлар бир томондан бизнинг ёшларимиз учун қадимий мерос саналса, иккинчи томондан замонавий ҳар томонлама мукаммал ва етук мутахассис бўлиш учун қўйилган қадамлардан биридир.

Бинобарин, бугунги кунда ўқувчи ёшлар, талабалар ўтмиш авлодларнинг миллий тил ва умуман тилга бўлган муқаддас муносабатининг негизларини аниқ билишлари, уларнинг ҳам ўз анъаналари қаторига киритишлари тақозо этилади. Мазкур билимлар талаба ёшлар тафаккурида қўйидаги феъл-атвор ва характер хусусиятларининг шаклланиши учун хизмат қиласди:

✓ Ўзбек тилини ардоқлаш, унинг ўзбек миллати ва халқининг бетакрор ва бош хусусиятларидан бири эканлигини англаш, ўзбек тилига муқаддас қадрият сифатида қараш, ўз тили бойлиги ва имкониятларини эгаллашга сайи-ҳаракат қилиш;

✓ Ўзбек тили тарихи ва ўзбек тилида яратилган маънавий-маданий мерос билан ғурурланиш, унинг дунё ҳамжамиятида тутган бетакрор ва табиий бўлган ўрнини ардоқлаш,

ўзбек тили ўзбек халқини дунё ҳамжамияти учун таништирувчи восита эканлигини англаш;

✓ Шу билан бирга, барча миллий тиллар ўз халқи учун ардоқли эканлигини ҳисобга олиш, тил барча халқлар учун маънавий бойлик эканлигини тушуниш, шу боис ёшларнинг тил ва тил муносабатларига нисбатан, ўзга тилларни ўрганиш орқали ўзга халқлар маданияти, улар тарихи ва маънавий меросига нисбатан бағрикенг бўлишга интилиш;

✓ Тил ва тил ўрганишга доир Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг барча фикрлари, қарашлари ва муносабатларини идрок этиш, улардан ўрнак олиш, мана шу фикрларнинг мағзини чақишига, ҳаётий мезонга айлантиришга ҳаракат қилиш.

Бинобарин, чет тилларини ўрганишда миллий анъаналар, қадриятлар, Шарқ ва Ғарб мутафаккир-ларининг қарашлари тизими, тил ва ундан фойдаланишга оид ислом маданияти, тил амалиёти ва тил назарияси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар аҳамиятли бўлиб, уларнинг барчасини назарга олиш ва мавжуд имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланиш тақозо этилади.<sup>1</sup>

Чет тилларини билиш педагогик жиҳатдан инсоннинг шаклланишида ўзига хос босқич сифатида баҳоланган. Чет тилларини билган инсонда куйидаги феъл-атвор хусусиятлари шаклланади:

---

<sup>1</sup> <http://www.edunet.uz> - мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти

Ўқувчининг фикри ўсади, ақли пешланади, хотираси кучаяди, ҳар бир нарсага диққати ортади, мантиқ билан фикрларга мойил бўлади, тасаввури кенгаяди, тили бурро бўлади, сўзлар маъносини аниқ билиб олади, унинг сўзлар семантикасини англаши ҳамда лексик билими ҳамда бойлиги ошиб боради;

✓ Чет тили орқали ўқувчининг бошқа маданият, ўзга мамлакат ҳақидаги билимлари шаклланади, ўзга халқлар маданияти ва урфодатлари борасидаги ахборотлари кенгаяди, бу эса ўз ўрнида ўқувчининг бағрикенг, сабрқаноатли, кенг маданиятли, дунёвий бўлишини таъминлайди;

✓ Чет тилларни билиш ўқувчининг замонавий рақобатбардош кадр сифатидаги мавқеини таъминлаб беради, унинг дунё бўйича барча мавзуларга доир, шу жумладан ўз мутахассислиги доирасидаги илмий-назарий билимларни эгаллаш имкониятини беради, бу эса ўқувчининг мустақил фикрлаши, эркин бўлиши, ўз кучига ишончини таъминлайди ва оширади.

Маълумки, Ўзбекистонда таълим соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлар жараёнининг ўзига хос бўфини сифатида чет тилларига ўргатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Бунда бир томондан, бизга қардош бўлган ва анъанавий тарзда бизнинг ҳудудимизда яшаб келган халқларнинг тилларини ўқитишни сақлаб қолиш, уларни кучайтириш ва кенгайтириш, иккинчидан

эса жуда катта қизиқиш уйғотган хорижий тилларни, хусусан Ғарб ва Шарқ халқлари тилларини ўқитиши күчайтириш йўлидан борилди.

Маълумки, Ўзбекистонда умумий мактаб таълими босқичида бизга қардош халқлар тиллари ҳам ўқитилади. Ўзбекистонда таълим саккиз тилда олиб борилади. Улар: рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман тиллари. Қарийб 90 % мактабларда ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. 5,5 % мактабларда ўқиш - рус тилида, 2,5 % - қорақалпоқ тилида, 2% - тоҷик тилида, 0,4 % - қирғиз тилида, 0,2 % - туркман тилида олиб борилади. Таълим жараёни шундай қурилганки, ўқувчилар ўз она тили билан биргаликда, бир неча бошқа чет тилларини ўрганиш имкониятига эгадирлар. Шунинг учун кенг аҳоли қатламлари ичида ўз она тилидан ташқари, рус тили ва бир хорижий чет тилини билганлар сони кундан-кун кўпайиб бормоқда.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда анъанавий тарзда ўқитиладиган хорижий тиллар икки асосий гурухларга бўлинади. Улар:

а) хорижий Ғарб халқлари тиллари (инглиз, немис, испан, итальян, болгар, поляк, чеш тили, француз тили в.б.)

---

<sup>1</sup> Маҳмудова М., Азизова Г. Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишига оид давлат сиёсати ва унинг аҳамияти. –Самарқанд: 2013. 55 б.

б) Хорижий Шарқ халқлари (араб, форс, ҳинд, урду, турк, пушту, япон, корейс, вьетнам, бенгал, хитой, индонезия ва филиппин тиллари).

Шу билан бирга, айнан мустақиллик йилларида расмий таълим тизими билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида норасмий ва ноформал хорижий тилларни ўқитиши, уларда ўқувчиларни чет тиллари бўйича тестлар топширишга мақсадли тайёрлаш, ёки ўқувчиларнинг тил малакасини ўстириш марказлари кўплаб очилди ва улар кенг фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, кўпчилик ҳорижий давлатларнинг элчиноналари қошида тил ўқитиши марказлари ҳам очилган бўлиб, улар истак билдирганларни ўз мамлакати тилига ўқита бошлади. Мана шундай тил марказлари Германиянинг DAAD, Кореянинг KOICA, Япониянинг JICA, Исройлнинг MASHAW, Ҳиндистан маданият маркази, АҚШнинг EDUCATIONAL EXCHANGE PROGRAM, Буюк Британиянинг BRITISH COUNSIL каби ташкилотлари, уларда ташкил қилинган ресурс марказлар, Маданият марказлари, кутубхоналар, интернет материаллари, туиторлик хизматлари, стажировкалар ва хорижий элларга танлов асосида ўқишга юбориш хизматлари, шунингдек Хитой, Франция ва бошқа элчиноналарда ташкил қилинган тил марказлари орқали фаолият олиб бормоқда. Элчиноналар таркибида тиллар бўйича

турли танловлар, хорижий стажировкалар ўтказиш анъанага айланган.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда турли маданият марказлари фаол фаолият олиб боради. Масалан, республикада мавжуд элликка яқин маданият марказлари Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар маданиятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида 12 та миллий марказлар фаолият олиб боради. Улардан - немис, польша, яхудий, турк, азарбайжон, татар-бошқирд, қрим-татар, рус ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Мана шу марказларнинг ҳар бирида маданий марказга тааллуқли бўлган мамлакатнинг миллий тилини ўқитиши курслари фаолият олиб боради.

Тошкент шаҳрида ишлаб турган 30 та театрлардан 10 таси рус тилида фаолият юргизади.

Бинобарин, кўпчилик олимлар чет тилини ўзлаштириш жараёни инсон психологияси, когнитив психология ва таълим жараёни билан узвий боғлайдилар. XXI аср шароитида бир ва бир неча чет тилларини ўз она тилидан ташқарида билиш, уларни ўзлаштириш ва ўз касбий фаолиятида қўллай олиш талаб этилмоқда. Шу боис, мутахассисларнинг иш топиш, иш ўринларига эга бўлиш ва ишга жойлашиш

жараёнида предентлардан қанча чет тилларини билиши анкета сўровларининг бош масалаларидан бўлиб қолмоқда. Бинобарин, рақобатбардош кадрларни шакллантириш уларнинг чет тилларини эгаллаганлик даражаси билан узвий боғланмоқда.

Бинобарин, чет тилларини ўрганишда миллий анъаналар, қадриятлар, Шарқ ва Гарб мутафаккирларининг қарашлари тизими, тил ва ундан фойдаланишга оид ислом маданияти, тил амалиёти ва тил назарияси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар аҳамиятли бўлиб, уларнинг барчасини назарга олиш ва мавжуд имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланиш тақозо этилади.

Шуҳрат Сирожиддиновнинг таъкидлашича, “чет тилни ўрганишда ахборотни тушуниш, кодлашган ахборотни тилнинг белгилар тизимида идрок этиш муҳим ўрин тутади. Чет тилни мутахассислик сифатида ўрганиш маданиятга оид матнларни идрок этиш спецификаси, биринчи навбатда, вербал ва новербал бадиий образларни идрок этиш билан узвий боғлиқ. Чунки айнан уларда нафақат атрофолам воқелигининг бутун турфа хиллиги намоён бўлади, балки, шунингдек, у ёки бу халқ, элатнинг маданий даврлари ҳақида ҳам тасаввур пайдо бўлади ва дунёқараш шаклланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, тезаурус – тематик цикллар учун маҳсус матнларни ишлаб

чиқиши бўйича бугунги кунда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2012 йили ЎзДЖУ профессор-ўқитувчилари ва магистрлари ҳамкорлигига ўзбек адабиётининг нодир намуналаридан бир қанча тарихий ва замонавий мавзулардаги романлар инглиз тилига таржима қилинди. 2013 йили элликка яқин ўзбек адилларини ҳикояларини бевосита инглиз тилига таржима қилиш ишлари бошланди ва 2014 йил ниҳоясигача тугалланиши режалаштирилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёш таржимонлар мактаби ташкил этилиб, Алишер Навоий асарларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари йўлга қўйилди. Бу лойиҳаларнинг натижасида маҳсус матнлар тўпламлари яратиш ва улардан талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган матнлар билан бирга талабаларнинг ўз халқи адабиёти, тарихи, маънавий мероси ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилишига имкон яратилади.”<sup>1</sup>

Шундай қилиб, чет тилларини ўқитишида ўзига хос педагогик тамойиллар тизими мавжуд бўлиб, мазкур тамойиллар чет тилларига бўлган ижтимоий муносабатни, чет тилларини ўқитиши учун яратилган педагогик шарт-шароитларни, чет тилларини ўрганишида индивиднинг тайёрлиги,

---

<sup>1</sup> <http://journal.fedu.uz/uz/content>

лаёқати, қобилияти, шунингдек унинг шахсий, психологик ва эмоционал хусусиятларининг мос келиши, чет тилларини ўрганишда мамлакатимиздаги давлат сиёсатининг жорий этилиши каби тамойилларни ўз мазмунига қамраб олади ҳамда мазкур тамойиллар мажмуаси чет тилларини ўрганишда педагогик самарадорлик асосини ташкил қиласи.

Бугунги кунда чет тили ўқитувчиси маҳорати масалаларига жуда катта талаблар қўйилмоқда. Улар ичида анъанавий педагогик талаблар қаторида, янги инновацион технологияларни билиш, уларни амалий жиҳатдан дарсларда қўллай олиш, интерфаол дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш кабиларни эслатиб ўтиш жойиз. Бинобарин, тажриба-синов ишлари жараёнида инглиз тили ўқитувчисининг педагогик маҳорати масалалари қуйидаги анъанавий талабларнинг барчасини ўз мазмунига қамраб олиши аниқланди:

## **ОИЛАДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Инсонлардаги экологик онгни экологик таълим ва тарбия, маълумотлар орқали қайта қуриш, унинг ҳаёт тарзини ва маънавиятини ўзгартириш зарур. Ҳозирча инсонлар онгида экологик қонунларга бўйсунмаслик, табиатга оддий назар билан қараш тасаввурлари сингиб кетган. Инсонларнинг табиатга бўлган нописанд муносабати натижасида глобал ўсиш ва иқлим ўзгариши, чўлланиш, Орол денгизининг қуриб бориши каби муаммолар тузатиб бўлмайдиган экологик кризисларни келтириб чиқарди. Шунинг учун бугунги кунда оила экологик тушунчаларни шакллантирувчи ва уни бола онгига сингдирувчи ягона марказ бўлиб қолди.

Оилада экологик тушунчаларни шакллантириш болага ақлини танигандан бошлаб ўргатилади, болага ёшлигидан сувни тоза ҳолда ичишга, қўлидаги нарсаларни ифлос қилмасликка, ўйинчоқларини сочиб ташламасликка ўргатиш, чиройли гул ёнидан ўтганда уни синдирмоқчи бўлса, унга тушунча бериш, “бошқалар ҳам кўрсин, гуллаб турса чиройли, узиб олсанг, сўлиб қолади” деб ўргатиш каби тарбиявий ҳолатлар экологик тушунча ҳисобланади ва улар бола шаклланган сари унинг онгида мустаҳкам ўрнашиб боради.

Дарсларда ёшларга санитария-гигиена қоидаларига оид тушунчалар бериш, уларда

зарарли одатларнинг олдини олиш, ОИВ инфекцияси ва ундан ҳимояланиш, репродуктив саломатлик, ўсмирлик даврининг руҳият муаммолари, атроф-муҳитнинг саломатликка салбий таъсирини камайтириш юзасидан кўникумаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳар бир ёшни ўзи учун соғлом турмуш тарзини танлаши, биринчи навбатда соғлиғи даражасини тиббий кўриқдан ўтиш йўли билан баҳолашга ҳам ўргатиш аҳамиятга молик масаладир.

Республика аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Улар ўртасида ижтимоий, маънавий-маърифий тарфибот ишларини самарали ва таъсирчан услубда амалга ошириш учун ҳар бир таълим муассасасида соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, оила маънавияти, зарарли иллатларнинг соғлом бола туғилишига салбий таъсири ҳақидаги тушунчалар оиласида билимли ва маълумотли ота-она томонидан берилади.

Бугунги кунда ёшларимиз онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари хоҳиш-истаклари остида тегишли мавзулар кенг ёритиб борилмокда. Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари билан келгуси ўқув йиллари учун талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи

тарғиботи бўйича иш режалари тасдиқланиб, бугунги қунга қадар “Соғлом турмуш тарзи”, “Репродуктив саломатлик”, “Заарали одатларнинг олдини олиш”, “Соғлом овқатланиш”, “ОИВ/ОИТС профилактикаси” мавзуларида давра сухбатлари, савол-жавоб кечалари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Ана шундай самарали ишлар олиб борилсада, айрим ёшларимиз соғлом турмуш тарзи тушунчасидан хабардор эмас, тадбирларда иштирок этмаётгани боис ўз соғлиғига ҳам эътибор бермайди. Баъзида кўча-куйда йигит-қизларимизнинг тамаки чекиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилаётганини кўриб, келажакда улардан қандай ота-она, қандай оила вужудга келишини кўз олдимизга келтирамиз. Ёшларимизнинг тартибсиз овқатланиши, уяли алоқа воситаларидан узлуксиз фойдаланиши ҳам соғлиғи учун заарлидир. Бунинг учун нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик назорат-тарғибот вакилларидан ташқари, албатта, оиласда булар ҳақида фикр алмашинуви лозим. Болага, у қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, унга биринчи навбатда ота-онаси бу муаммоларни тушунтиради ва юмшоқлик, босиқлик билан англатади.

Мамлакатимизда оила, ота ва она, болалар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ёшларни жисмоний ва маънавий етук, баркамол шахс қилиб ривожлантиришда биринчи тарбиявий

вазифани ўтайди. Оилада инсон учун табиат энг қимматбаҳо, олий макон деган тушунча бўлиб шаклланиши ва у ҳар бир инсоннинг шахсий мулки сифатида асрраб-авайланиши лозимлиги доимо уқтирилиб, табиат билан ўзаро боғлиқлиги оддий мисоллар асосида тушунтириб борилади. Аслида ривожланиш ҳақида тасаввурлар ўзгариб бормоқда, инсон ва табиат бир яхлит, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, шунинг учун инсон ва табиатни бир-бирига қарши қўйиш нотўғри ва бемақсад ҳисобланади. Бир нарсани унутмаслик лозим, яъни инсон табиатсиз яшай олмайди, табиат эса инсонсиз мавжуд бўла олади.

Инсон табиат қонунларини ўзгартириш ёки йўқотиш имконига эга эмас, табиат қонунлари инсон буйруғи ёки хоҳишисиз ҳам ривожланаверади. Инсон ҳеч қачон табиат устидан хукмдор бўла олмайди. Инсон табиатга хос бўлиб, унинг ичida яшайди. Инсон табиат қонунларига бирор ўзгартириш кирита олмайди, балки унинг бутун кучи, фаолияти ўша қонунлардан тўғри фойдаланишдадир.

Табиат абадий ва тугамас, шунинг учун ҳам у инсондан кучли, инсон табиат билан ўзаро алоқада бўлиб, доимо унга мослашиши ва лозим бўлса, унга ёрдам бериши керак, табиатга қарши бўлиши инсоннинг ўзига ёмонлик келтиради. Агарда биз табиатни хурмат қилмасак ва унга озор берсак, бир кун келиб табиат биздан ўч олади. Демак, оилада экологик маданиятни

шаклланишининг асосий мазмуни - инсон ва табиат ўртасидаги боғлиқликни ижобий тушуниш ва табиат бизда әмас, балки биз табиатда яшаймиз, деган тушунчага амал қилган ҳолда асраб-авайлашимиз лозим.

Табиат билан уйғунлашиб яшаш, уни авайлаш лозимлигини айрим инсонлар унүтиб қўйишиди. Баъзи вақтларда одамлар моддий бойлигимиз ошса, маънавий бойлигимиз ҳам ошиб боради, биз шу тариқа маданиятли бўлиб борамиз, деб ўйлашди.

Экологик ва ижтимоий танглик амалий инсонпарварликни талаб этади ва айни пайтда улар инсониятни янги назарий поғонага кўтарилишга мажбур қиласди. Ҳақиқий экологик онг ва дунёвий маданиятда бир маданиятни сўндириб ёки йўқотиб, ўрнига иккинчисини келтириб бўлмайди, балки у дунёдаги бар-ча одамларга умуминсоний, ахлоқий, маънавий туйғуларни бирлаштириш орқали янада мустаҳкамланади. Маданиятли одамлар атроф-муҳит, ўсимликлар ва ҳайвонлар муҳофазаси ҳамда уларга бўлган муносабатларни инсоний асосда бирлаштирадилар. Бундан мақсад – табиатни сақлаш ва дунёning узлуксизлигини таъминлашдир.



Оила жипслиги.



Байрам араfasида.



Харбий оила.



Буви ва Бувалар ҳар доим эъзозда.




Она ва фарзанд.



Оила қуриш арафасида.



Ака ва ука.




Оила китобхонлиги.



Дўстлар даврасида.



Бахт остонасида.



Висол оқшомида.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.:Ўзбекистон, 1992 й.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 160 бет.
3. Каримов И.А. Шу азиз Ватан – барчамизники. Т.: “Университет”, 1995.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: “Шарқ”, 1997. 4-19 бет.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 40 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. – Т.: 1998. – 48 бет.
7. “Она ва бола” давлат дастури тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 феврал № 68 қарори. – 25 бет.
8. Амир Темур ҳикматлари. – Т.: “Мехнат”, 1996. – 96 бет.
9. Арабов И., Рахимов Х. Этика и психология семейной жизни. – Душанбе: “Маориф”, 1998. – 42 бет.
10. Ахлоқ-одобга оид ҳидис намуналари. – Т.: “Фан”, 19909. – 172 бет.

11. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. – Т.: “Меҳнат”, 2001. – 102 бет.
12. Бобомирзаев Х. Ҳалқ оғзаки ижоди ва унинг таълим-тарбиядаги самараси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. -173 бет.
13. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. – Т.: “Чўлпон”, 1995. -176 бет.
14. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: “Университет”, 1997. – 18 бет.
15. Волков Г.Н. Этнопедагогика. – Чебоксари: “Чувашгосиздат”, 1974. – 376 стр.
16. Гребенников И.В. Основы семейной жизни (учебное пособие). – М.: “Прсвеўение”, 1991. – 158 стр.
17. Жабборов И. Ўзбек ҳалқ этнографияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1994. – 320 бет.
18. Жабборов И. Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб. – Т.: “Ўқитувчи”, 1980. – 112 бет.
19. Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 88 бет.
20. Зиёмуҳаммедов Б., Зиёмуҳаммедова С., Қодирова С. Маънавият асослари. – Т.: ЎМЭ, 2000. – 141-151 бет.
21. Земска Мария, Семья и личность. – М.: “Прогресс”, 1986. 135с.
22. Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўнаев Н. Ватан туйғуси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 439 бет.
23. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.”Шарқ”, 1998. – 70 бет.

24. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Т.: ТДПУ, 1999. -152 бет.
25. Исоеев С. Народные традиции и опыт по трудовому воспитанию в семье. Дисс.канд.пед.наук. – Т.: 1980. -150 стр.
26. Каримов Ш.М. Оилада баркамол инсонни шакллантириш Т.: 1995.- 56 б.
27. Каримов Х. К. Ўзбек оиласарида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. – Т.: ТДПИ, 1994. 16 бет.
28. Каримова В. М. Социальные представления об узбекской сумы г юношей и девушек: Автореф. дисс. ... док. Псих. наук. – Т.: 1994. – 40с.
29. Каримова И. Х. Влияние школы и семьи на формирования идейной убежденности старшеклассников: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Душанбе «Душанбе» пед. Инст, 1990. 26 с.
30. Касымова Х. И. Использование национальных традиций в нравственном воспитании детей старшего дошкольного возраста в семье: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: «Шуъла» 2001. 27с.
31. Ковалев С.В. Психология семейных отношенийю – М. «Педагогика» 1987. – 159с.
32. Культура семейных отношений. – 2-е изд. – М.: «Знание» 1985.- 176с.
33. Клинтон, Хиллари Родем. Бир болага етти махалла ота-она ва болалар бизга бераётган

бошқа сабоқлар. Тачетоун Бук, “Симонд Энд Шестер” нашр., 1996./ инглиз тилидан тарж. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 352б.

34. Кон И.С. Психология юношеского возраста: проблемы формирования личности. – М: “Просвещение”, 1979. – 175с.

35. Ле Шам. Э. Когда ваш ребёнок сводит вас с ума.- М.: «Педагогика» 1990. – 272с.

36. Миренский Б. А. Оила ва ўсмир. – Т.: «Ўқитувчи», 1991. – 48б.

37. Мунавваров А.К. Педагогические условия повышения эффективности семейного воспитания. – Т.: 1989. – 371с.

38. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Т.: “Ўқитувчи” 1994. 112 б.

39. Мусурмонова О. Оила маънавияти: миллий ғурур. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999. – 200 б.

40. Мухиддин Салоҳиддин. Оила ва шърий никоҳ одблари. (Маънавий меросга бир назар). – Т.: “Мовороуннаҳр”, 1999. – 80 б

41. Оила психологияси. Ф. Б. Шоумаров таҳр. Ост. – Т.” “Шарқ”, 2001. 272 б.

42. Оила аъзоларининг хуқуқий мақомига тегишли қонунлар тўплами. Т.: Республика “Оила” илмий-амалий маркази. – 1999. – 32 б

43. Оила этикаси ва психологияси. Т. Мақсудов таҳрири остида. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. – 292 б.

44. Оилавий ҳаёт етикаси ва психологияси. И.Б.Гребенников таҳрири остида . Т.: “Ўқитувчи”, 1984. – 260 б.
45. Саъдий Шерозий. Гулистон. – Т.: “Бадиий адабиёт, 1968.-184 б.
46. Хаёт ва турмуш одоби дастури (Х - XI синфлар учун). Т.: «Ўзбекистон», 1990. - 30б.
47. Хрипкова А. Г. , Колесов Д. В. Девочка – подросток – девушка. М.: «Просвещение». – 1981. – 128с.
48. Хрипкова А. Г. , Колесов Д. В. Мальчик – подросток – юноша. М.: «Просвещение». – 1981. – 207с.
49. Ханхасаева И. Н. Растёт дочка, растет сын. – М.: «Педагогика». 1991. – 240с.
50. Халиков Д.Р. Подготовка учащихся к семейной жизни на основе национальных традиций и обычаев: - Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: 1993. 22с.
51. Холиқов Д. Оиласда болаларнинг жинсий тарбияси. {Ота-оналарга методик ёрдам}. – Т.: 1998. – 26 б.
52. Холматова М. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш омиллари. – Т.: 1998. – 21 б.
53. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси.–Т.: “Ўзбекистон”, 2000.-216 б.
54. Шарипова Д. Ж., Содикова К. Оилавий ҳаёт бўсағасида. – Т.: 1999. 27 б.

55. Шарипова Д. Оиласнинг Саломатлиги сирлари. – Т.: Й УНИСЕФ. – 2000. – 23 б.
56. Шербоев М. Оилада естетик тарбия. – Т.: “Ўқитувчи”, 1971. 32 б.
57. Шодмонова Ш. С. Оилада кичик мактаб ёшдаги болаларни миллий қадриятлар асосида ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари: пед. фан. ном ...ёзилган дисс. Автореф. – Т.: ФТДК, ДИТАФ босм. 2001. – 19 б.
58. Шоумаров Ш., Шоумаров Ф. Муҳаббат ва оиласвий ҳаёт. – Т.: Абуали ибн Сино, 1999. – 93 б.
59. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.-Т:“Фан”, 1971.- 954 бет.
60. Қодиров Б.А. Халқ педагогикаси. Монография. – т.: “Университет”, 2002. – 256 бет.
61. Қурбонов Т. Одбонома. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. – 176 бет.
62. Қуъони Карим (ўзбекча изоҳли тарж. Ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: “Чўлпон”, 1992. – 496 бет.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
ПРОФЕССОРИ М.М.МАХМУДОВАНИНГ  
ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА  
МАЪЛУМОТ**

Махмудова Муяссар Махмудовна 1950 йил 10 июнда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида зиёлилар оиласида туғилган. 1963 йилда 8-синфни битириб, Самарқанд хотинқизлар педагогика билим юртига ўқишга кирган, уни 1967 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, 6-мактабда бошланғич синф ўқитувчisi бўлиб ишлаган.

1968 йилда Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1972 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.

1972-1980 йилларда Самарқанд шаҳридаги 18-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчisi бўлиб ишлаган.

1980-1987 йиллар А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонасида методист лавозимида ишлаган.

1987-1997 йиллар Жizzах давлат педагогика институтининг “Педагогика ва психология” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида фаолият кўрсатган.

1994 йилда “Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ижтимоий фаолликни тарбиялаш”

мавзусида номзодлик, 2007 йилда “Халқ педагогикаси асосида талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1997 йилдан Самарқанд давлат чет тиллар институтида доцент лавозимида иш бошлаган.

1999-2002 йиллар “Мактабгача педагогика ва психология” кафедраси мудири, 2001-2002 йилларда Мактабгача педагогика ва психология факультети декани лавозимида ишлаган.

2002-2008 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор лавозимида ишлаган.

2008-2012 йиллар Педагогика ва психология кафедрасига раҳбарлик қилган М.Махмудова 2 та дарслик, 1 та монография, 4 та ўқув қўлланма, 3 та методик қўлланма, 4 та рисола, 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

М.Махмудова 2-синф “Ўқиши китоби” ва “Дидактика” дарслекларининг муаллифларидан бири. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда. Соғлом авлодни камол топтириш йўлида монография, ўқув, илмий ва услубий қўлланмалар яратган. 2002 йил “Фан” нашриётида “Халқ педагогикаси асосида талаба-ёшларни оилага тайёрлаш” номли ўқув қўлланмаси чоп этилган. Ушбу ўқув қўлланмада халқ оғзаки ижодида оила ҳақидаги фикрлар ранг-баранглиги, уларнинг ижтимоий-

иқтисодий, маънавий-ахлоқий, маънавий-маърифий хусусиятлари, оила жипслиги ва тотувлиги, оилада тарбия анъаналари атрофлича назарий-илмий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, ёшларни оиласа тайёрлашда халқ педагогикасининг ўрни, роли ва аҳамияти, оила мустаҳкамлиги учун зарурий-тарбиявий омил ва воситалар таҳдил асосида тадқиқ қилинган. Бу ўқув қўлланмани яратишда муаллифга юртбошимизнинг оиласа бағишиланган фармонлари, ҳукумат қарорлари, Олий Мажлис Қонунлари, миллий истиқбол ғояси ва шу кабилар методик асос бўлиб хизмат қилган. Қолаверса, унда ёшларни оиласа ҳаёт ва турмушга тайёрлашда халқ педагогикасидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш масалалари кенг ёритилган.

М.Махмудова ҳозирги вақтда “Педагогика ва психология” кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
Ватан тушунчаси оиладан бошланади .....	6
Оиланинг ижтимоий мақоми.....	11
Энг муқаддас туйғу.....	17
Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш.....	21
“Соғлом бола йили” давлат дастури ва унинг аҳамияти .....	28
Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик аспектлари.....	37
Оилавий зиддиятларни бартараф этиш усуллари .....	46
Оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир	55
Олий таълим тизимида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш эҳтиёжларини ўрганиш .....	63
Ёшларнинг соғлом турмуш тарзи таълим самарадорлигини ошириш омили сифатида .....	69
Ёшларда ҳаётий фалсафани шакллантириш .....	77
Чет тилларига ўқитишга доир шарқ ва ғарб алломаларининг қарашлари ва маънавий қадриятлари тизими .....	83
Чет тилларини ўқитишга доир тарихий-педагогик анъаналар таҳлили.....	93
Чет тилларини ўқитишнинг педагогик тамойиллари .....	113
Оилада экологик тушунчани шакллантириш .....	123
Фойдаланилган адабиётлар .....	134
Педагогика фанлари доктори, Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори М.М.Махмудованинг фаолияти ҳақида маълумот .....	140

**МАҲМУДОВА МУЯССАР МАҲМУДОВНА**

**ОИЛА ТАРБИЯСИ  
АСОСЛАРИ**

*(Үйкүв қўлланма)*

Муҳаррир:	С.Каримова
Тех. муҳаррир:	Б.Эргашев
Мусахҳиҳа:	З.Усманова
Компьютерда	
саҳиловчи:	Ё.Қаршибоев

ISBN 978-9943-11-559-0

2020 йил 7 декабрда босишга рухсат этилди:  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими  $60 \times 84_{1/16}$ .  
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 9,0. Шартли б.т. 4,0.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 53.

---

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.  
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.